«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АЖнинг

2024 йил учун йиллик ҳисоботи

Мундарижа:

Биржа ҳақида 3

Фаолиятнинг асосий натижалари 8

Кузатув кенгаши раиси мурожаати 9

Бош директор мурожаати 11

ЎзРВБнинг 2024 йилдаги фаолияти 14

Биржа бозорларини ривожлантириш 16

Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар 20

Асосий воқеалар 24

Молиявий натижалар шарҳи 27

Жами даромад (фойда ва зарар) тўғрисида ҳисобот 28

Операцион фаолият натижалари 31

Биржа бозорлари шарҳи 32

Валюта бозори 34

Пул бозори 35

Давлат қимматли қоғозлари бозори 38

Жамоатчилик билан алоқалар (PR) бўйича фаолият 41

Таълим маркази фаолияти 43

Коррупцияга қарши комплаенс 45

Кадрлар сиёсати 48

Корпоратив бошқарув 52

Биржа ҳақида

"Ўзбекистон республика валюта биржаси" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда ЎзРВБ деб аталади) кўп функцияли биржа платформаси - чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, ҳосилавий молия инструментлар (деривативлар) олди-сотдиси ва улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдолари, банклараро пул бозори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда Марказий банк деб аталади)нинг кредит ва депозит аукционлари ташкилотчиси ҳисобланади.

ЎзРВБ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 22 ноябрдаги 297-сон “Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотишни ташкил этиш ҳамда эркин алмаштириладиган валюта билан савдо қилишни кенгайтириш чоралари ҳақида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 февралдаги 66-ф-сон фармойишига мувофиқ 1992 йил 12 майда ташкил этилган.

ЎзРВБ аъзолари таркиби 2025 йил 1 январ ҳолатига кўра 35 та тижорат банки, 6 та брокерлик компанияси ва 1 та хорижий банкдан иборат бўлган.

Барча савдо операциялари ЎзРВБ томонидан биржа савдоларини ташкил этишнинг замонавий жаҳон андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган (“in-house”) ва мутасадди ташкилотларнинг барча синов жараёнларидан муваффақиятли ўтган савдо-клиринг мажмуаси орқали амалга оширилади. Мазкур платформалар, ўз навбатида, ишончлилик, мослашувчанлик, носозликка чидамлилик, юқори тезлик ва ишлаб-чиқарувчанлик каби хусусиятларга эга.

ЎзРВБ савдо платформасининг универсаллиги савдо иштирокчилари ва уларнинг мижозларига ликвидликни бошқариш ва инвестиция стратегияларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратади ва бир нечта бозорларда турли хил биржа инструментлари билан операциялар ўтказиш имконини беради.

Шу билан бирга, инструментлар кенг қамровига эга ягона биржа бозори мавжудлиги биржа индикаторларининг шаклланишига ва регуляторга самарали пул-кредит сиёсатини олиб боришга кўмаклашади.

ЎзРВБда пост-трейдинг хизматлари бугунги кунда клиринг ва ҳисоб-китоблар йўналишларини қамраб олган. Мазкур хизмат турлари ЎзРВБ томонидан ишлаб чиқилган (in-house) “Settlements” ва “UzClear” ҳисоб-китоб ва клиринг тизимлари орқали амалга оширилади. Мазкур тизимлар замонавий дастурий инфратузилма асосида яратилган бўлиб, тузилган битимлар бўйича ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва ҳисобга олиш, шунингдек савдо иштирокчилари ва молиявий инструментлар кесимида позициялар бўйича ҳисоб-китоб ва клирингни тезкор амалга ошириш имкониятига эга.

Аввал ЎзРВБ томонидан амалга оширилган давлат қимматли қоғозлари (кейинги ўринларда ДҚҚ деб аталади) ҳисобини юритиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифалари ҳамда ЎзРВБнинг DepoMax тизими 2024 йил 1 июлдан бошлаб давлат ва корпоратив қимматли қоғозлари бўйича ягона депозитар ҳисобини юритиш мақсадида “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ ваколатига ўтказилди.

2023 йилда ЎзРВБ таъсисчилигида ташкил этилган “Миллий клиринг маркази” АЖ марказий контрагент функцияларини бажариш доирасида битимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тугалланишини таъминлайди ҳамда инвесторлар учун битимлар бўйича активларни ўз вақтида олишини кафолатлаган ҳолда, хатарларни бошқаради ва инструментлар қийматини реал вақт режимида баҳолаб боради.

ЎзРВБ фаолиятининг асосий мақсадлари:

- биржа бозорини ташкил этиш ва тартибга солиш, талаб ва таклиф асосида биржа товарларининг нархларини шакллантириш;
- тижорат ташкилоти сифатида ЎзРВБ ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаган ҳолда молия-хўжалик фаолиятидан фойда олиш;
- биржа савдоларининг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш, нарх белгилаш эркинлиги ва савдоларнинг шаффофлигини таъминлаш;
- савдо иштирокчиларига самарали ва ишончли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида инфратузилмани ривожлантириш.

Фаолият ва хизмат турлари:

- Қуйидаги савдоларни ташкил этиш:

  - чет эл валютасининг олди-сотдиси бўйича банклараро биржа савдолари;

  - ДҚҚнинг бирламчи ва иккиламчи савдолари;

  - Марказий банкнинг тижорат банклари билан кредит ва депозит аукционлари;

  - банкларнинг пул маблағларини жалб этиш ва жойлаштириш бўйича банклараро савдолар;

  - деривативлар билан биржа савдолари;

- биржа битимлари бўйича клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- биржа товарларини талаб ва таклиф асосида котировкалаш;
- биржа бозори индикаторларини шакллантириш ва уларни эълон қилиш;

- ЎзРВБ аъзолари учун мажбурий бўлган биржа савдолари қоидаларини, шунингдек, тузилган битимларни расмийлаштириш учун намунавий шартномалар ва ҳужжатларнинг стандарт шаклларини ишлаб чиқиш;
- савдо иштирокчиларининг касбий малакасини юқори савияда сақлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- савдо қатнашчиларини ҳар бир биржа савдоси якунлари бўйича тегишли ахборот билан таъминлаш;
- ЎзРВБ фаолиятига тегишли дастурий таъминот ва автоматлаштирилган мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- савдо иштирокчиларига тегишли консультатив ва бошқа хизматлар кўрсатиш;
- қонунчилик доирасида фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш.

ЎзРВБнинг асосий афзалликлари:

- савдо платформаси универсаллиги, турли бозорлар ва кенг қамровдаги инструментларнинг ягона платформада интеграциялашуви;
- пре-трейдинг ва пост-трейдинг (ҳисоб-китоб ва клиринг) ҳизматларининг барча босқичлари мавжудлиги;
- савдо платформалари биржа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилганлиги;
- бозор маълумотларини ташқи (хорижий) фойдаланувчиларга узатиш мақсадида халқаро молия бозорларидаги бозор маълумотларини асосий етказиб берувчилари Bloomberg, Refinitiv ва бошқалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги;
- савдолар бўйича барча ҳисоб-китоб режимлари мавжудлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг барча тижорат банклари ва етакчи брокерлик ташкилотлари ЎзРВБ аъзолари ҳисобланади;
- тажрибали ва профессионал ходимлар жамоаси.

ЎзРВБ сегментлари

Бугунги кунда ЎзРВБда **тўртта бозор** - валюта ва пул бозорлари, шунингдек, ДҚҚ ва деривативлар бозорлари мавжуд бўлиб, мазкур бозорларда 20 тадан ортиқ биржа инструментлари бўйича савдолар ташкил этилган.

ЎзРВБнинг пул бозори банкларо пул бозори, Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит ва кредит аукционлари, валютавий своп ва РЕПО операцияларини қамраб олган.

“UZRVB” банклараро пул бозорининг электрон “in-house” платформасида тижорат банкларининг бўш пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича савдолар “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) ҳамда “ЎзРВБнинг электрон савдо платформаси орқали банклараро пул бозорида операцияларни амалга ошириш қоидалари” га мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур платформада Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/13-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь)га мувофиқ тижорат банклари билан Марказий банкнинг депозит аукционлари, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон республика валюта биржасининг электрон савдо платформаси орқали тижорат банклари билан хорижий валюта гарови асосида кредит аукционларини ўтказиш қоидалари”га мувофиқ тижорат банклари билан хорижий валюта гарови асосида кредит аукционлари ўтказилади.

РЕПО операциялари Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 15 мартдаги 8/8-сон қарори (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 18 июнь) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомга ҳамда ЎзРВБда давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш қоидаларига мувофиқ, валютавий своп операциялари эса ЎзРВБда валютавий своп операцияларини ўтказиш қоидалари асосида амалга оширилади.

ДҚҚ бозорида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат ғазна мажбуриятлари ва облигациялари, шунингдек Марказий банк облигациялари билан бирламчи аукционлар ва иккиламчи савдолар ташкил этилган.

ДҚҚни бирламчи жойлаштириш ва иккиламчи савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1016-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларини чиқарилишларининг жойлаштирилиши, муомалада бўлиши ва сўндирилиши тартиби тўғрисида” ва “ЎзРВБда давлат қимматли қоғозлари билан савдоларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ташкил этилган.

Марказий банк облигациялари билан савдолар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/14-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигацияларини чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 3080, 2018 йил 25 октябрь)га ва “ЎзРВБда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари билан савдоларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилади.

ЎзРВБнинг **валюта бозорида** “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича биржа савдолари қоидалари”га мувофиқ чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича савдолар ўтказилмоқда.

Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари “Rhombus” савдо платформасида “колл аукцион” ва икки томонлама узлуксиз “метчинг” аукциони савдо усуллари орқали T+0 ва T+1 ҳисоб-китоб режимларида амалга оширилади.

Шунингдек, валюта савдолари иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, биржа валюта бозорига ликвидликни жалб қилиш мақсадида савдолар ҳажмини оширишни рағбатлантиришга мўлжалланган ва мослашувчан тариф сиёсатига асосланган воситачилик мукофоти бўйича табақалаштирилган тариф режалари жорий этилган.

Валюта бозорида кунлик узлуксиз ликвидликни таъминлаш, битимлар ҳажми ва кўламини ошириш мақсадида ЎзРВБда ишлаб чиқилган дастурлар асосида маркет-мейкерлик фаолияти жорий этилган.

Деривативлар бозорида валюта хатарларини хеджирлаш, шунингдек, нарх ўзгаришларидан даромад олиш имкониятини яратиш мақсадида “Rhombus derivatives” платформасида 1, 2, 3, 6, 9, 12 ойлик экспирация муддатига эга ва базавий активи Марказий банкнинг сўмга нисбатан АҚШ долларининг курси, шунингдек, ЎзРВБда савдолар якунлари бўйича белгиланадиган сўмга нисбатан АҚШ долларининг ўртача тортилган курси бўлган валютавий фьючерс контрактлари савдоси йўлга қўйилган.

Валютавий фьючерс контрактлари бўйича савдолар “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг валютавий фьючерс контрактлари билан операцияларни амалга ошириш бўйича биржа савдолари қоидалари”га мувофиқ икки томонлама узлуксиз аукцион (метчинг) усули билан ўтказилади.

Марказий контрагентнинг валюта ва деривативлар бозорларидаги фаолияти доирасида ликвидлик провайдерлари жалб этилган бўлиб, риск ва дефолт-менежмент тизими жорий этилди.

Фаолиятнинг асосий натижалари

Савдо қатнашчилари/ ЎзРВБ аъзолари	Бозорлар/ Инструментлар		2022 йил		2023 йил		2024 йил		2024 йилда даромад таркиби
			Савдо ҳажмлари (трлн.сўм)	Воситачилик даромади (млрд. сўм)	Савдо ҳажмлари (трлн.сўм)	Воситачилик даромади (млрд. сўм)	Савдо ҳажмлари (трлн.сўм)	Воситачилик даромади (млрд. сўм)	
35 та тижорат банки	Валюта бозори	USD/UZS, EUR/UZS, RUB/UZS, CNY/UZS жуфтликлари бўйича спот операциялари	338,18	57,29	▲35,43% 458,00	▲28,02% 73,35	▲1,88% 466,63	▲10,05% 80,72	воситачилик даромади: 102,36 млрд. сўм
6 та инвестиция компанияси	Пул бозори	UZS, USD, EUR, RUB, CNY иштирокида дилерлараро своп операциялари	271,31	3,40	▲77,99% 482,90	▲97,58% 6,72	▲38,53% 668,97	▲42,08% 9,55	фоиз даромади: 19,93 млрд. сўм
		Марказий банкнинг своп аукционлари							
		Банклараро пул бозори							
		Марказий банкнинг депозит аукционлари							
		Марказий банкнинг РЕПО аукционлари							
1 та хорижий банк		ДҚҚ билан дилерлараро РЕПО битимлари							бошқа даромадлар: 0,35 млрд. сўм
		Марказий банкнинг кредит аукционлари							
	Фонд бозори	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚ	97,29	19,01	▼39,78% 58,59	▼40,31% 11,34	▲6,15% 62,19	▲6,62% 12,10	жами 2024 йилда: 122,64 млрд. сўм
		Марказий банк облигациялари							
	Деривативлар бозори	Валютавий фьючерс шартномалари			0,04				

Изоҳ: олдинги даврга нисбатан ўзгариш.

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгаши раиси мурожаати

Ҳурматли акциядорлар, ҳамкорлар ва савдо иштирокчилари!

Эътиборингизга “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини тақдим этишимдан мамнунман.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот йилида Биржанинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш масалаларини қамраб олган 2024–2028 йилларга мўлжалланган беш йиллик Ривожланиш стратегияси тасдиқланган бўлиб, унга кўра асосий эътибор технологияларни ривожлантириш, инструментлар қамровини кенгайтириш, операцион самарадорликни ошириш, хатарларни бошқариш, аҳоли ва савдо қатнашчиларининг молиявий саводхонлигини оширишга мўлжалланган биржа ва банк-молия соҳасини ривожлантириш учун муҳим тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Янги ривожланиш стратегиясининг асосий ғоялари аввалги стратегияларнинг узвий давоми бўлиб, савдо иштирокчиларига қулай ва жозибадор савдо стратегиялари ва шароитларни тақдим этиш, хорижий ва институционал инвесторлар, жумладан хорижий инвесторлар базасини кенгайтириш ва бу орқали биржа бозорларида ликвидликни ошириш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Ҳисобот йилида ЎзРВБ самарали фаолиятни давом эттириб, республика ва Марказий Осиё минтақасида етакчи биржа ҳамда Ўзбекистон молия бозори инфратузилмасининг муҳим бўғини сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлади, фаолиятда барқарорликни намойиш этиб, республика иқтисодиётининг ўсишига фаол ҳисса қўшди.

Маълумингизким, 2023 йилда Биржанинг клиринг ва ҳисоб-китоб функциялари алоҳида тузилма – “Миллий клиринг маркази” АЖга юклатилиб, марказий контрагент фаолияти, жумладан рискларни бошқариш тизимини ривожлантиришга кўмаклашувчи омил бўлди. Марказий контрагент функцияларини амалга оширувчи алоҳида ташкилотнинг яратилиши хорижий инвесторларни жалб қилиш, инвестицияларни киритиш учун қулай муҳит яратиш, энг яхши халқаро стандартларни жорий этиш, биржа бозорларида хизматлар доирасини кенгайтириш, шунингдек, инфратузилмавий ташкилотлар хатарларини самарали бошқаришга қаратилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгашининг устувор вазифалари, аввалги йиллари каби, ташкилотнинг барқарор ривожланишини, унинг фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Кузатув кенгашининг малакали таркиби унга юклатилган вазифалар доирасида биржа фаолиятида акциядорлар, савдо қатнашчилари ва барча тегишли томонлар

манфаатларининг мувозанатини сақлаган ҳолда, назорат, кадрлар ва стратегик бошқарувини амалга ошириб келди.

2024 йил 23 май куни бўлиб ўтган 2023 йил якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида корпоратив маданиятни яхшилаш, ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш, биржа савдолари механизмлари ва ахборот технологияларини такомиллаштириш, хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Биржанинг инновацион савдо механизмларини жорий этиш борасидаги фаолияти, шунингдек, биржа бозорлари, хусусан, пул бозорининг фаоллашуви, ликвидликнинг бардавом ўсиши, янги инструментлар, савдо механизмлари ва хизматларнинг йўлга қўйилиши – буларнинг барчаси юқори савдо ҳажмлари ва комиссион даромадларга эришишга кўмаклашди.

Натижада, 2024 йилда рекорд даражадаги операцион ва молиявий натижалар қайд этилиб, биржа савдолари ҳажми максимал даражани, яъни **1 197,79 трлн.сўмни ташкил этди**, соф фойда эса **62,76 млрд.сўмни** ташкил этиб, 2024 йилги бизнес-режа кўрсаткичига нисбатан **19,47 млрд. сўмга** ёки **45,0 фоизга** ошди.

Келгуси йилда биржа инструментлари қаторини янада кенгайтириш, биржа бозорларига маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, битимлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, биржа фаолиятининг барча йўналишларини янада автоматлаштириш, савдо-дастурий мажмуаларини илғор жаҳон амалиётлари ва халқаро стандартларига мувофиқлаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Хулоса ўрнида, Кузатув кенгаши номидан акциядорларимиз, ҳамкорларимиз ва мижозларимизга билдирилган ишонч учун, шунингдек, ЎзРВБ жамоасига виждонан меҳнати, ҳамжиҳатликдаги профессионал фаолияти учун катта миннатдорчилик билдираман.

А. Олимов
ЎзРВБ Кузатув кенгаши раиси

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Бош директори мурожаати

Ҳурматли акциядорлар, ҳамкасблар!

ЎзРВБнинг 2024 йилдаги истиқболли йўналишлари биржа бозорларидаги тенденциялар, жумладан биржа технологияларини ривожлантириш, янги савдо механизмларини ҳамда хатарларни бошқариш самарали тизимини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Ҳисобот йилида Биржанинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш масалаларини қамраб олган 2024–2028 йилларга мўлжалланган беш йиллик Ривожланиш стратегияси тасдиқланган бўлиб, унинг доирасида ЎзРВБ биржа хизматлари кўламини кенгайтириш, уларнинг сифатини янада ошириш, биржа бозорларига кенг кўламда инвесторларни, жумладан хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳисобига биржа инструментлари ва мижозлар қаторини кенгайтириш, биржа ходимлари ва савдо иштирокчиларининг малакасини ошириш соҳаларида ўз фаолиятини амалга ошириб келди.

Бугунги кунда ЎзРВБ ликвидлик маркази ва молиявий ресурсларни жалб қилиш учун асосий савдо майдони ҳисобланади ва ҳисобот йилида савдо ҳажмларининг сезиларли даражада ошиши бунинг яққол далилидир.

Биржа бозорларида янги инструментлар жорий этилиши ҳамда савдо иштирокчилари учун турли савдо стратегиялар тақдим этилиши натижасида ҳисобот йилида ЎзРВБ сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаган ҳолда, биржа савдолари ҳажмининг ўсишига эришди.

2024 йилда савдоларнинг умумий ҳажми рекорд даражага етиб, **1 197,79 трлн. сўмни** ташкил этди. Шу билан бирга, валюта бозоридаги ҳажмлар 2023 йил кўрсаткичларига нисбатан 1,88 фоизга, пул бозорида эса 38,53 фоизга ошиб, мос равишда **466,63** ва **668,97 трлн.сўмни** ташкил этди, қарз бозорида савдолар ҳажми **62,19 трлн. сўмга** тенг бўлди.

Ижобий статистика, аввалам бор, биржа инструментларининг кенг қаторидан фойдаланишда савдо иштирокчилари учун янги савдо стратегияларини тақдим этиш, савдо платформасида тизим доирасида ва тизимдан ташқари битимларни тузишда кўплаб қулайликларни яратиш, турли бозор сегментлари, жумладан муддатли бозорда инструментларнинг янги турлари билан савдоларни йўлга қўйиш, айрим инструментлар савдоларида савдо вақтини узайтириш билан боғлиқ бўлди.

Шу билан бирга, айтиш жоизки, ЎзРВБ таъсисчилигида марказий контрагент мақомига эга “Миллий клиринг маркази” АЖ ташкил этилиши дефолт-менежментнинг самарали тизимини янада ривожлантиришга ва рискларни бошқариш механизмларини кенгайтиришга туртки бўлди.

“Миллий клиринг маркази” АЖнинг марказий контрагент сифатида фаолияти биржа бозори иштирокчиларининг инфратузилма хатарлари ва харажатларини

камайтиришга, турли хил молиявий инструментлар, шу жумладан биржадан ташқари инструментлар бўйича марказлаштирилган клиринг учун шароит яратишга, шунингдек, капитал бозорига янги иштирокчиларни жалб қилишга ёрдам беришга қаратилган.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида ЎзРВБни малакали кадрлар билан таъминлаш соҳасида кадрлар танлашнинг кўп босқичли тизимини жорий этиш, шу жумладан ходимларни танлаш ва ёллаш, уларни баҳолаш ва рағбатлантиришнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари давом эттирилди.

Шу билан бирга, ЎзРВБ савдо иштирокчилари ва кенг жамоатчиликнинг молиявий саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари доирасида ижтимоий тармоқларда турли контент, жумладан видеолавҳа ва инфографикалар тизимли жойлаштирилиб, трейдерлар учун биржа савдосининг турли жиҳатларига бағишланган семинар ва вебинарлар, ўқув машғулотлари ўтказиб келинди.

ЎзРВБ 2025 йилда ҳам ўз фаолиятида юқори самарадорликка эришиш, рақобатбардошликни ошириш, ЎзРВБнинг ички ва халқаро бозорлардаги мавқеини янада яхшилаш мақсадида стратегик ривожланиш йўналишларига мувофиқ ишларни давом эттиради.

Хусусан, Ривожланиш стратегиясини амалга ошириш доирасида биржада янги валюта жуфтликлари ва бошқа инструментлар бўйича савдоларни ташкил этиш, блокчейн технологияси ва бошқа рақамли технологиялар асосида пилот лойиҳаларни амалга ошириш, дастлабки босқичда муддатли бозорни янада оммалаштириш, ушбу бозорга потенциал инвесторларни жалб қилиш мақсадида инструментлар қаторини кенгайтириш бўйича ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

ЎзРВБ капитал бозори инфратузилмасининг асосий иштирокчиси сифатида халқаро стандартлар асосида ўзининг технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда янги илғор биржа технологияларни ишлаб чиқишга, бизнес-жараёнлар ва биржа савдоларини янада автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

Шунингдек, саъй-ҳаракатларимиз ходимларнинг корпоратив бошқарув, рискларни бошқариш, ахборот технологиялари ва дастурлаш йўналишлари бўйича малакасини ошириш, ходимларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, истиқболли ёш мутахассисларни ўқитиш йўналишларига қаратилади.

Бу қаторда, талабалар ва амалиётчиларни биржа симуляторидан фойдаланган ҳолда биржа фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, биржа савдоларини ўтказиш механизмлари билан таништириш мақсадида ЎзРВБда амалиёт ўташни жорий этиш режалаштирилган.

ЎзРВБ инновацион маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этишда янги марраларни эгаллаш, шунингдек, республика ва минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилиб, жадал ривожланишда давом этади.

Сифатли хизмат кўрсатиш, барча савдо иштирокчиларини тенг шароитлар ва биржа инфратузилмасидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб, унинг долзарблиги ҳамон сақланиб келмоқда.

Юқоридаги қайд этилган барча ютуқларга эришишда изчил меҳнати учун ЎзРВБ жамоасига, кўмак ва ишончи учун ҳамкорлар, савдо иштирокчилари, акциядорларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Р. Усманов
ЎзРВБ Бош директори

ЎзРВБнинг 2024-2028 йилларга мўлжалланган Ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-291-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида биржа бозори инфратузилмасини янада такомиллаштириш, барқарор фаолият юритувчи, юқори технологияларга эга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳисоб-китоб ташкилотини ташкил этиш чора-тадбирлари доирасида 2023 йил 7 ноябрда ЎзРВБ муассислигида марказий контрагент ва марказлашган клиринг функцияларни бажарувчи “Миллий клиринг маркази” АЖ (МКМ) ташкил этилган.

МКМнинг самарали ҳисоб-китоб-клиринг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ЎзРВБ томонидан банк фаолиятига оид хисоб-китоб операцияларини амалга оширишга мўлжалланган “RoBust” автоматлаштирилган банк тизими ишлаб чиқилди ва Марказий банкнинг телекоммуникация тармоғига ҳамда банклараро тўлов тизимига (RTGS) уланди. Шунингдек, Марказий банкда МКМнинг миллий валютадаги вакиллик ҳисобварағи очилди.

Бундан ташқари, капитал бозорига маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилишни рағбатлантириш, хорижий инвесторларнинг фонд бозорида иштирок этиш тартибини соддалаштириш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- янги ҳисоб-китоб-клиринг моделини жорий этиш, шу жумладан иккиламчи бозорда ДҚҚ бўйича T+2 режимида ҳисоб-китобларни жорий этиш доирасида “ЎзРВБда давлат қимматли қоғозлари билан савдоларни ўтказиш қоидалари”га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;
- МКМда рискларни бошқариш тизими ва дефолт-менежмент тизими яратилди;
- Марказий банкда вакиллик ҳисобварағини очиш орқали хорижий профессионал иштирокчилар, шу жумладан, хорижий номинал сақловчиларнинг Марказий банк тўлов тизимида иштирок этиши йўлга қўйилди;
- “Тартибга солиш қумдони” махсус режими доирасида ЎзРВБнинг савдо-клиринг тизимида хорижий номинал сақловчи ҳисобварақлари, ягона депозитарий тизимда тўғридан тўғри индивидуал ҳисобварақ ва омнибус ҳисобварақларини очиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди;
- тан олинган кастодиан банклар, хорижий номинал сақловчиларнинг ДҚҚ савдоларида, шу жумладан ЎзРВБ платформасида РЕПО битимларини тузишда дилер сифатида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилди;

- “Тошкент” РФБ аъзоларини ЎзРВБ аъзолигига, икки биржа аъзоларини ўзаро тан олиш тамойилига асосан, қабул қилишнинг ягона соддалаштирилган тартиби қабул қилинди;
- ЎзРВБнинг “DepoMax” депозитар тизимини "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" АЖга ўтказиш орқали қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ягона депозитар тизимида сақланиши ва ҳисоби юритилиши таъминланди.

Шу билан бирга, стандартлаштирилган API ҳамда молиявий ахборот алмашиш (FIX) протоколи ёрдамида бозор маълумотларини учинчи шахсларга узатиш имкониятини яратиш мақсадида Bloomberg L.P. компанияси билан биргаликда биржа маълумотларини йиғиш, керакли форматда шакллантириш ва глобал халқаро платформаларга узатишни таъминловчи API формати ишлаб чиқилди. Айни пайтда ЎзРВБ биржа маълумотларини узатиш ва Bloomberg платформасидаги ЎзРВБнинг саҳифасига жойлаштириш йўлга қўйилган.

Шунингдек, инвестиция воситачиларининг буюртмаларни бошқариш тизимлари (OMS)ни савдо буюртмаларини автоматик қабул қилиш учун ЎзРВБ савдо тизимига интеграция қилиш мақсадида OMS-API сервиси (савдо шлюзи) ишлаб чиқилди ҳамда у орқали ва “Fix Adapter” модули ёрдамида савдо иштирокчилари ўзларининг OMS тизимларини ЎзРВБ савдо-клиринг тизимига интеграция қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, ДҚҚ савдоларида иштирок этаётган хорижий номинал сақловчилар ва инвестиция воситачиларининг KYC ва AML тамойилларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида Refinitiv компанияси билан ЎзРВБга World Check хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

Биржа бозорларини ривожлантириш

ЎзРВБнинг 2024-2028-йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига мувофиқ биржа инструментлари қамровини янада кенгайтириш, биржа бозорларининг ликвидлилиги ва жозибадорлигини ошириш мақсадида ЎзРВБ биржа бозорларини яқин истиқболда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, улар доирасида бир қатор янгиликлар жорий этилди.

Булар қаторида:

Валюта бозорида

- EUR/UZS ва RUB/UZS валюта жуфтликлари бўйича T+0 ҳисоб-китоб режимида савдолар жорий этилди;
- USD/UZS, EUR/UZS, CNY/UZS, RUB/UZS валюта жуфтликлари бўйича T+1 ҳисоб-китоб режимида тизим доирасидаги савдоларни, шунингдек EUR/USD, CNY/UZS ва KZT/UZS валюта жуфтликлари бўйича T+0 ва T+n режимларида тизимдан ташқари савдоларни ўтказиш учун шароитлар яратилди.

Пул бозорида

- Марказий банк бошқаруви қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида низом”га (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 18 июн) ҳамда “ЎзРВБда давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш қоидалари”га тегишли тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ДҚҚ “савати” (repo basket) билан РЕПО операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратилди;
- Марказий банк томонидан РЕПО аукционларини ўтказишда ЎзРВБнинг “бозор нархи” ва дисконт қўлланилиши йўлга қўйилди, шунингдек, дилерлараро РЕПО битимлари бўйича “бозор нархи”ни қўллаш имконияти яратилди;
- РЕПО битимлари бўйича савдолар вақти узайтирилди (банклараро операция куни тугаганидан сўнг савдоларни қўшимча 30 дақиқа ўтказиш имконияти яратилди);
- Марказий банкнинг ликвидлиликни таъминлаш операциялари (РЕПО битимлари, кредит операциялари) бўйича гаров таъминоти учун 5 фоизли дисконтни қўллаш амалиёти жорий этилди;
- Ижро муддатлари “кун ичида” ва 1 кундан 365 кунгача бўлган тизимдан ташқари РЕПО битимларини тузиш имконияти яратилди, РЕПО

таъминотига “hair-cut” инструментини, шунингдек, РЕПОнинг манфий ёки нол ставкасини қўллаш амалиёти йўлга қўйилди;

- Ижро муддатлари “кун ичида” бўлган тизим доирасидаги РЕПО битимларини тузиш учун шароитлар яратилди, шунингдек, РЕПО битимлари бўйича стандартлаштирилган муддатлар ("кун ичида" 1, 2, 3, 7, 14, 21, 30, 60 ва 90 кун) мақбуллаштирилди ва ҳар бир муддат кесимида савдолар икки томонлама узлуксиз аукцион (метчинг) усули бўйича ўтказилиши йўлга қўйилди;
- Марказий банк томонидан ўтказиладиган РЕПО ва депозит аукционларининг “кўр-кўрона” (blind) шакли жорий этилди;
- ЎзРВБнинг электрон савдо платформасида Марказий банкнинг тижорат банклари билан валюта гарови асосида кредит аукционларини ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилди;
- тарифларни оптималлаштириш доирасида валюта своп битимлари бўйича воситачилик мукофоти битим суммасининг 0,01 фоиздан 0,0008 фоизгача пасайтирилди.

ДҚҚ бозорида

- ДҚҚ бозорида бирламчи ва иккиламчи дилерлар фаолияти жорий этилди, бунда тегишли шартномалар имзолаган бирламчи дилерлар бир вақтнинг ўзида маркет-мейкер сифатида, жумладан, дилерлараро РЕПО бозорида ҳам фаолият юритади;
- иккиламчи бозордаги савдолар ва ДҚҚ билан РЕПО битимлари бўйича бирламчи дилерлар учун ликвидликни бардавом оширишга қаратилган маркет-мейкерлик дастурлари ишлаб чиқилди;
- ДҚҚ бозорида бирламчи дилерлик фаолиятини амалга ошириш учун хорижий инвесторлар (тан олинган хорижий банклар, шу жумладан, кастодиан банклар) га имкониятлар яратилди;
- ДҚҚ савдоларини Т+2 ҳисоб-китоб режимида ўтказиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилди;
- ЎзРВБ савдо платформасида ДҚҚ учун маҳаллий идентификация рақамлари билан бир қаторда халқаро ISIN кодлари қўлланила бошланди;
- ДҚҚ савдоларида буюртмаларни киритишда ЎзРВБ платформасида “dirty price” ва “clean price” нархларини қўллаш амалиёти жорий этилди ҳамда молиявий калкулятор такомиллаштирилди;

- ДҚҚни қўшимча жойлаштириш механизми (tap issue) жорий этилди, шунингдек, асосий бирламчи савдоларга қўшимча равишда “кўр-кўрона” (blind) аукцион ўтказилиши йўлга қўйилди;
- ДҚҚ савдоларида купон даромадини тўлаш ва даромадлиликни ҳисоблашнинг илғор амалиётига мос бўлган самарали формулалардан фойдаланиш йўлга қўйилди;
- хорижий инвесторлар (тан олинган хорижий банклар, шу жумладан кастодиан банклар)га ДҚҚ бозорида дилерлик фаолиятини амалга ошириш имкониятини яратиш доирасида Грузиянинг “Bank Of Georgia” банки ДҚҚ ва РЕПО бозорида битимлар тузиш ҳуқуқини берувчи “B” тоифаси бўйича ЎзРВБ аъзолигига қабул қилинди;

Шунингдек, ДҚҚ бозори ликвидлигини ошириш ва маркет-мейкерлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида “ЎзРВБда воситачилик мукофоти (йиғимлари)ни ундириш тартиби”га воситачилик мукофотини янада оптималлаштириш (камайтириш)ни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, воситачилик мукофоти бўйича табақалаштирилган тариф режалари жорий этилди.

Танланган тариф режасига кўра воситачилик мукофотининг базавий ставкаси эндиликда битим суммасининг 0,0007 фоизидан 0,0012 фоизгача бўлган диапазонда белгиланади. Қўшимча опция бажарилганда, яъни, ДҚҚнинг иккиламчи бозори ва РЕПО бозорида битимлар етарли ҳажмда тузилганда — тариф режасига мувофиқ воситачилик мукофоти миқдори 0,00035 фоиз, 0,00045 фоиз ва 0,00060 фоизгача пасаяди.

Шу тариқа, базавий ставка 28 баробардан ортиқ камайтирилган бўлса, қўшимча опция бажарилган ҳолатда воситачилик мукофоти миқдори 57 баробар камайтирилди.

Аввал, ДҚҚни жойлаштириш аукционларида тузилган битимлар бўйича ягона тарифга мувофиқ воситачилик мукофоти миқдори 0,02 фоизни ташкил этган.

Бундан ташқари, ДҚҚ иккиламчи бозоридаги битимлар бўйича воситачилик мукофоти икки баробар - 0,015 фоиздан 0,0075 фоизгача пасайтирилди. Эндиликда битим бўйича воситачилик мукофотининг энг юқори миқдори 0,075 фоиздан ошмайди (сўндиришгача бўлган муддатга кўра).

Шунингдек, Марказий банк облигациялари бўйича воситачилик мукофоти миқдори қўйидагича пасайтирилди:

- аукцион савдолари бўйича — битим суммасининг 0,02 фоизидан 0,012 фоизгача (1,6 баробар);
- иккиламчи савдолар бўйича — битим суммасининг 0,015 фоизидан 0,0075 фоизигача (2 баробар).

Деривативлар бозорида

- экспирация муддати 6, 9, 12 ой бўлган, базавий активи Марказий банк томонидан белгиланадиган сўм/АҚШ доллари курси, шунингдек, ЎзРВБда савдо якунлари бўйича ўртача тортилган сўм/АҚШ доллари курси бўлган ҳисоб-китоб валютавий фьючерс контрактлари бўйича савдолар жорий этилди;

- савдо иштирокчиларига янада қулайликлар яратиш, деривативлар савдосини жонлантириш ва ликвидликни ошириш мақсадида фьючерс контрактлари бўйича маржинал талаблар қуйидаги тартибда ўзгартирилди:

  - **бошланғич маржа:** экспирация муддати 3 ойгача бўлган битим суммасининг 2 фоизи ва экспирация муддати 3 ойдан ортиқ бўлган битим суммасининг 5 фоизи.

  Аввал барча экспирация муддатлари бўйича бошланғич маржанинг ягона ставкаси 5 фоизни ташкил этган.

  - **сақлаб туриладиган маржа:** экспирация муддати 3 ойгача бўлган фьючерс контрактлари учун бошланғич маржа мажбуриятларининг 50 фоизи ва муддати 3 ойдан ортиқ бўлган фьючерс контрактлари учун бошланғич маржа мажбуриятларининг 75 фоизи.

  Аввал барча экспирация муддатлари бўйича маржанинг ягона миқдори 50 фоизни ташкил этган.

Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар

Халқаро ҳамкорлик соҳасида янги хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, шунингдек, имзоланган меморандум ва битимлар доирасида амалдаги ҳамкорлар билан алоқаларни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2024 йилда бир қатор тадбирлар ўтказилди.

2024 йилнинг 19-23 феврал кунлари Халқаро валюта жамғармасининг Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистон бўйича минтақавий салоҳиятни ошириш марказининг Техник кўмак миссияси РЕПО бозорини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ЎзРВБга ташриф буюрди.

2024 йил 22 феврал куни ЎзРВБ ва Халқаро валюта жамғармаси миссияси вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашув давомида ЎзРВБ томонидан банкларарo РЕПО бозорини ривожлантириш, хусусан, мавжуд инфратузилма ва савдо механизмларини такомиллаштириш, бозор иштирокчиларига янги савдо имкониятларини тақдим этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо берилди.

Учрашув якунида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, РЕПО бозорини, ЎзРВБ савдо инфратузилмаси ва савдо механизмларини такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш ва консультатив хизматлар кўрсатиш бўйича келишувга эришилди.

Шунингдек, 2024 йил 3 апрел куни ЎзРВБ Бош директори Bloomberg L.P. компанияси вакиллари билан учрашув ўтказиб, ЎзРВБнинг бозор маълумотларини Bloomberg платформаси орқали ташқи фойдаланувчиларга узатиш, компаниянинг дастурий ечимларидан турли биржа бозорларида фойдаланиш имкониятлари, савдо тизимларида қатъий даромадли инструментлардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда ЎзРВБ савдо-клиринг мажмуасининг функционалини такомиллаштириш масалалари бўйича тажриба алмашиш, ЎзРВБ мутахассислари учун Bloomberg маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланиш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, 2024 йил 17-20 апрел кунлари Самарқанд шаҳрида МДҲ давлатлари биржалари халқаро ассоциациясининг (БХА) навбатдаги йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида БХАга аъзо биржалар фаолиятининг қисқача шарҳлари тингланди, БХА ҳузуридаги Рақамли молиявий инструментлар қўмитаси Устави лойиҳаси, БХА Кенгашининг янги Устави лойиҳаси муҳокама қилинди, валюта-фонд биржаларининг ишчи учрашувлари ўтказилди. Шунингдек, тадбир давомида ЎзРВБ Бош директори ўринбосари Азиз Нагаев ХБА кенгаши аъзоси этиб сайланди.

Шунингдек, 2024 йил 23 апрел куни ЎзРВБ Бош директорининг “Bank Of Georgia” (Грузия) вакиллари билан учрашувида ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда “Bank Of Georgia” банкига ДҚҚ бозорида дилерлик мақомини бериш ва ягона депозитар тизимида хорижий номинал сақловчи ҳисобварағини очиш тартиби масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, 2024 йил 16-17-май кунлари ЎзРВБ Бош директори Будапешт (Венгрия) шаҳрида Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари учун мўлжалланган Clearstream ташкилотининг 18-чи саммитида иштирок этди.

Саммит кун тартибидан молия бозорларини ривожлантиришда сунъий интеллектнинг ўрни, пост-трейдинг соҳасини рақамлаштириш, қимматли қоғозлар бозорида инновацион ечимлар, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲда кастодианлар учун имкониятлар каби мавзулар ўрин олди.

ЎзРВБнинг Ходимларни бошқариш бўлими ходимлари 2024 йил 30-31 май кунлари Россия Федерациясининг ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи компанияларидан бири бўлган “IFellow” компанияси вакиллари билан учрашувлар ўтказиш мақсадида Москва шаҳрига хизмат сафарида бўлди.

Учрашувлар якунида томонлар ЎзРВБда кадрларни танлаш, жойлаштириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш ва автоматлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш тўғрисида келишувга эришдилар.

ЎзРВБ Бош директори бошчилигидаги делегация 2024 йил 12 сентябр куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган CBonds-Congress компаниясининг “Ўзбекистон Республикаси капитал бозори” VI халқаро конференциясида иштирок этди. Тадбир давомида ЎзРВБ Бош директори “Ўзбекистон молия бозори: тартибга солиш” сессиясида маъруза билан қатнашди.

Шунингдек, конференция доирасида ЎзРВБ вакиллари бир қатор хорижий молия муассасалари, инвестиция компаниялари ва жамғармалари вакиллари билан учрашувлар ўтказдилар. Учрашувлар давомида биржа инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистон молия бозорига хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Пул бозори бўйича ишчи гуруҳининг ташрифи доирасида 2024 йил 19 ноябр куни ЎзРВБда ЕТТБ экспертлари билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди, унда пул бозорида савдоларни ташкил этиш, шу жумладан РЕПО операцияларини амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, ЎзРВБ вакиллари 2024 йил 21 ноябр куни Bloomberg L.P. компанияси томонидан Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Bloomberg Discovery Day” тадбирида иштирок этди. Тадбир давомида Bloomberg L.P. экспертлари гуруҳи

тадбир иштирокчиларига Bloomberg терминалининг самарали воситалари ва функционал имкониятларини, шу жумладан, компания томонидан Ўзбекистон молия бозорини ахборот билан қамраб олишни таъминлаш учун яратилган янги маҳсулотларни тақдим этди.

Мазкур тадбирда Bloomberg ахборот-таҳлилий платформасида ЎзРВБ саҳифасининг очилиши ҳамда ЎзРВБ биржа маълумотларини жойлаштириш йўлга қўйилганлиги эълон қилинди.

Ўзбекистон регуляторлари ва молия муассасалари билан учрашувлар доирасида Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг миллий валютадаги операциялар бўйича Ғазначилиги миссиясининг ташрифи доирасида 2024 йил 28 ноябр куни ЎзРВБ ва миссия вакиллари ўртасида учрашуви бўлиб ўтиб, унда ОТБнинг Ўзбекистон Республикаси молия бозоридаги операцияларини ЎзРВБ савдо тизими орқали миллий валютада амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, 2024 йил давомида “Қозоғистон фонд биржаси” АЖ (KASE), KASE Миллий клиринг маркази, Москва биржаси, унинг Миллий клиринг маркази (НКО НКЦ) вакиллари ва бошқа ҳамкорлар билан “Миллий клиринг маркази” АЖ фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари бўйича тажриба алмашиш юзасидан онлайн учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинди.

Шунингдек, Bloomberg L.P. ҳамда LSEG Data & Analytics (Refinitiv) вакиллари билан “Миллий клиринг маркази” АЖ мижозлари бўйича KYC ва AML онлайн тартиб-таомилларини жорий этиш, бозор маълумотларини ташқи фойдаланувчиларга ушбу компаниялар платформалари орқали узатиш ва бошқа хизматларни, хусусан, LSEG Data & Analytics (Refinitiv) компаниясининг World Check API хизматларини тақдим этиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида доимий алоқа канали йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзРВБ биржа савдолари хорижий иштирокчиларининг KYC ва AML тамойилларига мувофиқлигини текшириш мақсадида Refinitiv компанияси билан World Check хизматидан фойдаланиш бўйича келишув имзоланган. Унга кўра, ЎзРВБга ушбу хизматдан фойдаланиш учун лицензия тақдим этилган.

ЎзРВБнинг маҳаллий ва халқаро бозорлардаги ўрни ва аҳамияти

ЎзРВБ мамлакат молия бозорининг асосий иштирокчиларидан бири, миллий ва чет эл валютаси билан операциялар бўйича ликвидлик маркази бўлиб, энг йирик биржа майдони сифатида республикада ҳам, МДҲ давлатлари биржалари ўртасида ҳам савдолар ҳажми ва биржа инструментлари қатори бўйича ҳақли равишда етакчи ўринларни эгаллайди.

ЎзРВБ МДҲ давлатлари биржалари халқаро ассоциациясининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда ЎзРВБнинг Жаҳон биржалар ассоциацияси ва

Евроосиё фонд биржалари федерацияси каби халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш имконияти кўриб чиқилмоқда.

Хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, ЎзРВБнинг халқаро мақомини ошириш мақсадида Москва биржаси, “Қозоғистон фонд биржаси” АЖ ва “Беларус валюта-фонд биржаси” АЖ билан ҳамкорлик меморандумлари, Рефинитив компанияси билан ўзаро англашув меморандуми, Bloomberg L.P. компанияси билан ЎзРВБ маркет-датасини ташқи фойдаланувчиларга узатиш тўғрисидаги битим, “Bloomberg Terminal” ахборот-таҳлил платформасидан фойдаланиш тўғрисидаги битим, шунингдек, KYC ва AML жараёнларини ўтказиш учун World-Check One хизматидан фойдаланиш бўйича LSEG Data & Analytics компанияси билан келишув имзоланган.

Бундан ташқари, Боку фонд биржаси ва Истанбул фонд биржаси (Borsa Istanbul) каби хорижий биржалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Асосий воқеалар

2024 йил 6 февраль - Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Тошкент” РФБ аъзоларини соддалаштирилган тартибда ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш бўйича ягона тартиб ишлаб чиқилганлиги юзасидан брифинг бўлиб ўтди.

2024 йил 22 февраль - ЎзРВБ ва Халқаро валюта жамғармаси миссияси вакиллари ўртасида банкларараро РЕПО бозорини ривожлантириш масаласи юзасидан учрашув учрашув бўлиб ўтди.

2024 йил 27 февраль - ЎзРВБда ISO 9001:2015 халқаро стандарти бўйича навбатдаги кузатув аудити муваффақиятли ўтказилди ва ЎзРВБ сифат менежменти тизимининг мазкур стандарт талабларига мувофиқлиги тасдиқланди.

2024 йил февраль – ЎзРВБнинг инструментлари қатори экспирация муддати 6, 9 ва 12 ой бўлган валютавий фьючерс шартномалари ҳисобига кенгайтирилди.

2024 йил 1 март - “Капиталбанк” АТБ, “Асакабанк” АЖ, “Ипотекабанк” АТИБ ва “Бизнесни ривожлантириш банки” ДҚҚ бозорида маркет-мейкер фаолиятини бошлади.

2024 йил 3 апрель - ЎзРВБ Бош директори Bloomberg L.P. компанияси вакиллари билан ЎзРВБнинг бозор маълумотларини компания платформаси орқали ташқи фойдаланувчиларга узатиш масаласи бўйича учрашув ўтказди.

2024 йил 2-12 апрель - ЎзРВБ платформасида онлайн форматда Global Money Week молиявий ҳафтаси доирасида UZCE Quiz молиявий викторинаси ўтказилди.

2024 йил 17-20 апрель - Самарқанд шаҳрида МДҲ давлатлари биржалари халқаро ассоциациясининг (БХА) навбатдаги йиллик умумий йиғилишида ЎзРВБ вакиллари иштирок этди.

2024 йил 23 апрель – ЎзРВБда “Bank Of Georgia” (Грузия) вакиллари билан икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик истиқболлари бўйича учрашув ўтказилди.

2024 йил 23 апрель - Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ЎзРВБнинг 2023 йилдаги фаолияти сарҳисоби ва 2024 йилдаги режалар бўйича брифинг бўлиб ўтди.

2024 йил 3 май - Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Миллий клиринг маркази” АЖ фаолиятини йўлга қўйиш доирасида амалга оширилган ишлар бўйича брифинг бўлиб ўтди.

2024 йил 16-17-май - ЎзРВБ Бош директори Будапешт (Венгрия) шаҳрида Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари учун мўлжалланган Clearstream ташкилотининг 18-чи саммитида иштирок этди.

2024 йил 30-31 май - ЎзРВБ Персонални бошқариш бўлими масъул ходимларининг Россия Федерациясининг "IFellow" IT-компанияси вакиллари билан Москва шаҳрида учрашувлари бўлиб ўтди.

2024 йил 26 июнь - ЎзРВБнинг 2024-2028 йилларга мўлжалланган Ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

2024 йил 25 апрель - "Bank Of Georgia" банки ДҚҚ ва РЕПО бозорида битимлар тузиш ҳуқуқини берувчи "B" тоифаси бўйича ЎзРВБ аъзолигига қабул қилинди;

2024 йил 12 сентябрь - ЎзРВБ Cbonds-Congress компаниясининг "Ўзбекистон Республикаси капитал бозори" VI халқаро конференциясида иштирок этди.

2024 йил сентябрь - стандартлаштирилган API ҳамда молиявий ахборот алмашиш протоколи (FIX) ёрдамида бозор маълумотларини учинчи шахсларга узатиш имкониятини яратиш мақсадида Bloomberg L.P. компанияси билан биргаликда API формати ишлаб чиқилди ва ЎзРВБ биржа маълумотларини узатиш ҳамда Bloomberg платформасидаги ЎзРВБнинг саҳифасига жойлаштириш йўлга қўйилган.

2024 йил сентябрь - буюртмаларини бошқариш тизимларини (OMS) савдо буюртмаларини автоматик қабул қилиш учун ЎзРВБ савдо тизимига интеграция қилиш мақсадида OMS-API сервиси (савдо шлюзи) ишлаб чиқилди ва, у орқали ва "FIX Adapter" модули ёрдамида савдо иштирокчилари ўзларининг OMS тизимларини ЎзРВБ савдо-клиринг тизимига интеграция қилиш имкониятига эга бўлдилар.

2024 йил 23 октябрь - Венгриянинг "OTP Group" компанияси делегацияси билан компаниянинг кастодиан банк сифатида ЎзРВБ савдоларида иштирок этиши имконияти бўйича учрашув ўтказилди.

2024 йил 26 октябрь - Bloomberg L.P. компаниясининг ахборот-таҳлилий "Bloomberg Terminal" платформасидан фойдаланиш бўйича шартнома имзоланди ва ЎзРВБга фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилди.

2024 йил 19 ноябрь - ЎзРВБда ЕТТБ экспертлари билан РЕПО операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллашитириш масаласи юзасидан учрашув бўлиб ўтди.

2024 йил 21 ноябрь – ЎзРВБ вакиллари Bloomberg L.P. компанияси томонидан Тошкент шаҳрида ташкил этилган "Bloomberg Discovery Day" тадбирида иштирок этди.

2024 йил 28 ноябрь - ЎзРВБ ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) миссияси вакиллари ўртасида ОТБнинг ЎзРВБ савдо тизими орқали миллий валютада операцияларни амалга ошириш имкониятлари муҳокамаси бўйича учрашув бўлиб ўтди.

Молиявий натижалар шарҳи

ЎзРВБнинг молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тайёрланади.

ЎзРВБ томонидан тўланадиган солиқлар:

Солиқ тури	Ставка
Даромад солиғи	15 фоиз
Мулк солиғи	1,5 фоиз
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	белгиланган меъёрларга мувофиқ
Ер солиғи	белгиланган меъёрларга мувофиқ
Дивиденд солиғи	5 фоиз
Қўшилган қиймат солиғи	12 фоиз

Солиқ кодексининг 37-бобининг 209-моддасига асосан ЎзРВБнинг қуйидаги молиявий хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган:

- ✓ *миллий ва хорижий валютадаги операциялар;*
- ✓ *клиринг операциялари;*
- ✓ *чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;*
- ✓ *пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;*
- ✓ *қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан операциялар.*

Ҳисобот йили якунлари бўйича ЎзРВБда муддати ўтган мажбуриятлар (кредиторлик ва дебиторлик қарзларига) мавжуд эмас.


2024 йилда ЎзРВБ харажатларни қатъий назорат қилиш сиёсатини амалга оширишни давом эттириб, биржа инструментларини диверсификация қилиш орқали воситачилик мукофоти бўйича даромадларни ошириш стратегиясига амал қилди.

Жами даромад (фойда ва зарар) тўғрисида ҳисобот

Даромадлар. ЎзРВБ даромадларининг асосий манбалари бўлиб биржа савдоларини ташкил этишдан олинадиган воситачилик мукофоти, шунингдек ЎзРВБ бўш пул маблағларини тижорат банкларининг қисқа муддатли депозитларига жойлаштиришдан олинадиган фоизли тушумлар ҳисобланади.


2024 йил якунларига кўра, ЎзРВБ даромадлари таркибида воситачилик мукофоти улуши 83,47 фоизни ташкил этди. Фоиз ва бошқа даромадларнинг улуши мос равишда 16,25 фоиз ва 0,29 фоизга тенг бўлди.

Даромад таркиби



ЎзРВБнинг 2024 йилги бизнес-режасига мувофиқ жами даромад ҳажми 104 084,94 млн.сўм миқдорида режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда, ҳисобот йили якунларига кўра жами даромад 122 638,40 млн. сўмни ташкил этиб, бизнес-режа кўрсаткичига нисбатан 17,83 фоизга ёки 18 553,46 млн. сўмга ошди.

2024 йил учун жами даромад кўрсаткичлари



Бизнес-режага мувофиқ 2024 йил учун валюта бозори даромадларининг прогноз кўрсаткичлари 78 101,28 млн.сўм даражасида кўзда тутилган бўлиб, бу 2023 йил бизнес-режасида белгиланган мос кўрсаткичдан 22,51 фоизга кўпдир (63 750,00 млн.сўм). 2024 йилда валюта бозори бўйича даромадлар прогноз кўрсаткичларининг

ҳақиқатда бажарилиши 80 714,24 млн сўмни ташкил этиб, 2024 йилги бизнес-режадаги прогноз кўрсаткичидан 2 612,96 млн. сўмга ошди.

Шунингдек, ҳисобот йилида пул бозорида савдоларни ташкил этишдан тушган даромаднинг 2023 йилги мос кўрсаткичига нисбатан сезиларли ўсиши (42,08 фоиз) кузатилди. Шу билан бирга, қарз бозорида ҳисобот йилида савдоларни ташкил этишдан тушган даромад 2023 йилга нисбатан 6,62 фоизга ошди.

2024 йилда ЎзРВБ бўш пул маблағларини тижорат банкларида қисқа муддатли депозитларга жойлаштиришдан олинадиган даромаднинг прогноз ҳажми 2023 йилги мос кўрсаткич (8 625,00 млн.сўм)га нисбатан 27,46 фоизга кўпроқ ёки 10 993,79 млн.сўм миқдорида белгиланган.


2024 йилда ЎзРВБ маблағларини жойлаштиришдан ҳақиқатда олинган даромадлар прогноз кўрсаткичдан 8 933,56 млн. сўмга ёки 81,26 фоизга, 2023 йилнинг ҳақиқатдаги ҳажмларга нисбатан эса 69,17 фоизга ёки 8 147,63 млн. сўмга ошди.

2024 йил якунлари бўйича ЎзРВБнинг жами даромади 2023 йилги кўрсаткичга нисбатан 18,46 фоизга ёки 19 114,98 млн. сўмга ошди.

2023-2024-йиллардаги жами даромад таркиби, млн сўмда

Кўрсаткичлар	2023 йил	2024 йил	23/24 й.	ўзгариш
валюта бозори	73 345,45	80 714,24	7 368,80	10,05%
пул бозори	6 722,16	9 550,66	2 828,50	42,08%
қарз бозори	11 344,53	12 095,81	751,28	6,62%
деривативлар бозори	0,63	0	-0,63	-100,00%
фоизли даромадлар	11 779,72	19 927,35	8 147,63	69,17%
бошқа даромадлар	331,20	350,33	19,13	5,78%
Жами	**103 523,69**	**122 638,39**	**19 114,70**	**18,46%**

Воситачилик мукофоти даромадлари ҳажмининг динамикаси, млрд. сўмда



Харажатлар. 2024 йилда ЎзРВБ умумий харажатларининг прогноз ҳажми 52 278,6 млн. сўм даражасида белгиланган бўлиб, ҳақиқатда қилинган харажатлар ҳажми 47 418,4 млн. сўмни ташкил этди. Натижада, 2024 йил якунлари бўйича тежалган маблағлар ҳажми 4 860,2 млн. сўмга тенг бўлди.


“ЎзРВБ” АЖнинг 2024 йил якунлари бўйича молиявий-иқтисодий сметаси бажарилиши

млн. сўмда

т/р	Кўрсаткичлар	*2024 йил якуни бўйича*		
		(режа)	*(факт)*	*(фарқи)*
1	**Жами даромадлар** (эгри солиқларсиз), жумладан:	**104 084,94**	**122 638,39**	**18 553,45**
	соф тушум	93 000,00	102 360,71	9 360,71
	бошқа даромадлар	91,15	350,33	259,18
	молиявий фаолиятдан тушган даромадлар	10 993,79	19 927,35	8 933,56
2	**Ишлаб чиқариш таннархи**	**18 570,26**	**16 393,52**	**-2 176,73**
3	**Давр харажатлари**	**33 707,78**	**31 024,41**	**-2 683,37**
	реализация харажатлари	1 030,49	39,19	-991,30
	маъмурий харажатлар	12 368,70	11 882,76	-485,94
	бошқа операцион харажатлар	20 308,59	19 102,46	-1 206,13
4	**Молиявий фаолият харажатлари**	0,58	0,49	-1,07
	фоизлар шаклидаги харажатлар	0,00	0,00	**0,00**
	курс фарқидан зарар	0,58	0,00	-0,58
	молиявий фаолиятдан бошқа харажатлар	**0,00**	0,49	0,49
5	**Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)**	**51 806,32**	**75 219,97**	**23 414,62**
6	**Даромад (фойда) солиғи**	**8 520,95**	**12 463,00**	**3 942,05**
7	**Соф фойда (зарар)**	**43 285,37**	**62 756,97**	**19 472,57**
8	**EBITDA кўрсаткичи**	**41 400,07**	**55 938,91**	**14 538,84**

Операцион фаолият натижалари

2024 йил якунларига кўра соф фойда 62 756,97 млн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилги мос кўрсаткичга нисбатан 3 094,45 млн. сўмга, 2024 йилги прогноз кўрсаткичларига нисбатан эса 19 471,60 млн. сўмга ошди. Шу билан бирга, ҳисобот йилида солиқдан олдинги фойда 75 219,97 млн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилги мос кўрсаткичга нисбатан 4 197,43 млн. сўмга ва 2024 йилги прогноз кўрсаткичларга нисбатан 23 413,65 млн. сўмга ошди.



Биржа бозорлари шарҳи

2024 йилда ЎзРВБнинг янги биржа инструментларини жорий этиш, савдо ҳажмларининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида илғор халқаро тажриба асосида замонавий, илғор биржа механизмлари ва ахборот-коммуникация технологияларини йўлга қўйиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Ҳисобот йили ЎзРВБнинг барча сегментларида ижобий натижалар билан якунланди. ЎзРВБ бозорларида савдо иштирокчилари фаоллиги ошиши натижасида битимлар ҳажми рекорд даражада ўсиши кузатилди.


ЎзРВБ савдо-дастурий мажмуасининг такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар барча биржа сегментларида операцияларни ўтказиш технологиясини ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг жараёнини модернизация қилишга имкон берди.

Ҳисобот йилида ЎзРВБда биржа савдолари ҳажмининг ўсиши ўзининг максимал даржасига етиб, 1 197,79 трлн. сўмни ташкил этди, бу эса 2023 йилги мос кўрсаткичи (999,52 трлн. сўм)дан 19,84 фоиз кўпдир.

ЎзРВБ бозорлари кесимида 2024 йилда валюта бозорида савдолар ҳажми 2023 йил кўрсаткичларига нисбатан 1,88 фоизга, пул бозорида 38,53 фоизга, қарз бозорида 6,15 фоизга ошиши кузатилди.

2024 йил якунларига кўра, валюта бозорининг савдолар умумий ҳажмидаги улуши 38,65 фоизни (2023 йилда - 45,81 фоиз), пул бозорининг улуши 55,85 фоизни (48,31 фоиз) ва қарз бозорининг улуши 5,19 фоиз (5,86 фоиз) ни ташкил этди.


2023-2024 йилларда биржа бозорлари улуши




2023-2024 йилларда савдолар ҳажми, трлн. сўмда

Биржа бозорлари	2023 й.	2024 й.	ўсиш	
			трлн. сўмда	фоизда
Савдолар умумий ҳажми	**999,52**	**1 197,79**	**198,27**	**19,84%**
Валюта бозори	**458,00**	**466,63**	**8,63**	**1,88%**
спот	458,00	466,63	8,63	1,88%
Пул бозори	**482,90**	**668,97**	**186,07**	**38,53%**
валютавий своп	0,48	0,96	0,48	99,48%
банкларарo пул бозори	310,78	233,55	-77,24	-24,85%
депозит аукционлари	94,49	112,64	18,14	19,20%
РЕПО битимлари	77,14	321,83	244,69	364,49%
Қарз бозори	**58,59**	**62,19**	**3,60**	**6,15%**
бирламчи	47,30	47,48	0,17	0,37%
иккиламчи	11,29	14,72	3,43	30,39%

2021-2024 йилларда савдолар умумий ҳажми динамикаси, трлн. сўмда



2022 – 2024 йилларда бозорлар кесимида савдолар ҳажми динамикаси, трлн. сўмда



Валюта бозори


ЎзРВБ валюта бозори республика молия тизимининг энг муҳим бўғинларидан бири, миллий ва хорижий валюталар билан операциялар бўйича ликвидлик маркази хисобланиб, Марказий банкка самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун биржа валюта бозорини ташкил этишда кўмаклашади.

Ҳисобот йилида валюта спот бозорида савдоларнинг умумий ҳажми 2023 йилнинг мос кўрсаткичларига нисбатан 1,88 фоиз ёки 8,63 трлн.сўмга ошиб, 466,63 трлн. сўмни ташкил этди.

АҚШ доллари – сўм. Валюта жуфтликлари саватида ҳисобот даврида АҚШ доллари/сўм инструментининг улуши валюта савдоларининг умумий ҳажмининг 99,20 фоизини ташкил этиб, 462,90 трлн. сўмга тенг бўлди.


Ҳисобот даврида савдолар ҳажми АҚШ доллари эквивалентида 36,57 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 6,17 фоизга ёки 2,40 млрд. АҚШ долларга камайди.

2023-2024 йиллар бўйича савдолар ҳажми, млрд. АҚШ долларида



Евро – сўм. 2024 йилда тижорат банкларининг биржадан ташқари операциялари ҳажмининг ошиши муносабати билан ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан “евро – сўм” жуфтлиги бўйича савдолар ҳажмининг пасайиши кузатилди. Шунга кўра, ҳисобот йилида евро бўйича савдолар ҳажми 2,50 млн. еврони ташкил этиб, 2023 йилги кўрсаткич (4,70 млн. евро)га нисбатан 46,81 фоизга камайди.

2023-2024 йилларда евродаги савдолар ҳажми, млн еврода




Россия рубли - сўм. 2024 йилда ушбу валюта жуфтлиги бўйича савдолар ҳажми 26 280,00 млн. россия рублини ташкил этиб, 2023 йилдаги мос кўрсаткич (573,10 млн. россия рубли)га нисбатан 45,85 баровар кўп бўлди.

Курс динамикаси

Биржа савдоларида миллий валюта курсининг динамикаси валюта бозорида талаб ва таклиф нисбати асосида ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланди.

2024 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қиймати йил бошига нисбатан 4,53 фоизга камайди (12 345,12 сўмдан 12 904,91 сўмгача).



Пул бозори


Банклараро пул бозорида республика тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича операциялар, Марказий банкнинг тижорат

банклари билан депозит ва кредит аукционлари, тўғридан-тўғри РЕПО, дилерлараро РЕПО ва валютавий своп операциялари ўтказилади.

Пул бозори инструментлари савдо иштирокчиларида юқори талабга эга ва уларга қисқа муддатли активларга жойлаштириш орқали пул маблағларини самарали бошқариш имконини беради.


2024 йил якунларига кўра пул бозорида савдолар умумий ҳажми 668,97 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос кўрсаткичи (482,90 трлн. сўм)га нисбатан 38,53 фоизга ошди.

Пул бозори таркиби




Шу билан бирга, 2024 йилда банкларарo пул бозорида савдолар ҳажми 233,55 трлн. сўмга тенг бўлди, бу эса 2023 йил мос кўрсаткичи (310,78 трлн. сўм)га нисбатан - 24,85 фоиз камдир.

2023-2024 йилларда банкларарo пул бозорида савдолар ҳажми динамикаси, трлн.сўмда




2023-2024 йилларда савдолар умумий ҳажмидаги стандартлаштирилган муддатлар улуши



2024 йилда банкларaро пул бозорида стандартлаштирилган муддатлар кесимида бир кунлик депозитлар улуши 55,34 фоиз бўлиб, 2023 йил кўрсаткичига нисбатан 7,04 фоизга камайди.


Шу билан бирга, ҳисобот йилида 2023 йилга нисбатан, бир кунлик (овернайт) банкларaро депозитлар бўйича ўртача тортилган ставка Марказий банкнинг асосий ставкаси яқинида шаклланди.

2023-2024 йилларда банкларaро пул бозорида бир кунлик депозитлар бўйича ўртача тортилган ставка



Ҳисобот йилида Марказий банкнинг депозит аукционларидаги операциялар ҳажми 2023 йилги кўрсаткич (94,49 трлн. сўм)га нисбатан 19,20 фоиз ёки 18,14 трлн. сўмга ошиб, 112,64 трлн. сўмни ташкил этди.


Марказий банкнинг депозит аукционларида жалб қилинган маблағлар ҳажми, трлн. сўмда



Бундан ташқари, 2024 йил якунларига кўра, дилерлараро РЕПО операциялари ҳажми 281,17 трлн. сўмга тенг бўлиб, 2023 йилги мос кўрсаткичи (77,14 трлн. сўм)га нисбатан 264,49 фоиз ошди.

Дилерлараро РЕПО операцияларининг умумий ҳажмида 1 кундан 4 кунгача бўлган битимлар улуши юқори бўлиб, 84,60 фоизни ташкил этди.

2024 йил якунлари бўйича дилерлараро РЕПО битимлари таркиби




ДҚҚ бозори

Асосий биржа бозорларидан бири бўлган ДҚҚ бозорида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқариладиган купонли ва дисконтли давлат ғазна мажбуриятлари ва облигациялари, шунингдек Марказий банк облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи савдолар ташкил этилади.

2024 йил якунлари бўйича ДҚҚ бозорида савдолар умумий ҳажми 62,19 трлн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 6,15 фоизга ёки 3,60 трлн. сўмга ошди.

Эмитентлар кесимида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг томонидан чиқарилган ДҚҚ билан савдолар ҳажми 45,14 трлн. сўмга тенг бўлди ва 2023 йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан ўсиш 38,42 фоизни (32,61 трлн. сўм) ташкил этди.

2024 йилда ДҚҚ эмитентлари бўйича савдолар умумий ҳажми динамикаси



Савдолар умумий ҳажми таркибида бирламчи жойлаштириш улуши 76,34 фоизни (47,48 трлн. сўм), иккиламчи савдолар улуши эса 23,66 фоизни (14,72 трлн. сўм) ташкил этди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида ДҚҚни жойлаштириш таркибида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚ улуши 65,72 фоизни (31,20 трлн. сўм), Марказий банк облигациялари улуши 34,28 фоизни (16,27 трлн. сўм) ташкил этди.

2024 йилда ДҚҚ бозори таркиби



2024 йилда эмитентлар кесимида ДҚҚ чиқарилиши таркиби




ДҚҚ бирламчи бозорида 2024 йил давомида 163 та аукцион ўтказилган бўлиб, улар натижасида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг номинал қиймати 34,16 трлн.сўмлик облигациялари жойлаштирилди, бунда савдолар ҳажми 31,20 трлн. сўмни ташкил этди.

ДҚҚни жойлаштиришда ўртача тортилган даромадлилик 15,15 фоиздан 19,66 фоизгача бўлган оралиқда ўзгариб турди. Ҳисобот даврида битта аукционда жойлаштирилган ҳажмлар 2,67 млрд.сўмдан 856,60 млрд. сўмгача бўлди.

2024 йилги таҳлил натижаларига кўра, ДҚҚни жойлаштириш таркибида муомала муддати бир йилгача бўлган ДҚҚни улуши юқори бўлиб, савдолар умумий ҳажмининг 71,32 фоизини ташкил этди.

Муомала даври бўйича ДҚҚ чиқарилиши таркиби



Жамоатчилик билан алоқалар (PR) бўйича фаолият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сон қарорига мувофиқ ЎзРВБда жамоатчилик билан алоқалар (PR) фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу муҳим йўналишнинг яратилиши маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон молия бозорига бўлган ишончини шакллантириш, мақсадли аудиториянинг биржа бозорлари тўғрисида хабардорлигини таъминлаш, биржа маҳсулотларини оммалаштириш, ЎзРВБ брендини танитиш ва имиджини юксалтириш, шунингдек, таълим ташаббусларини ташкил этиш ва амалга оширишга кўмаклашиш зарурати билан боғлиқ.

Шу муносабат билан, 2024 йилда ЎзРВБ ўз эътиборини фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш, инвесторлар, бозор иштирокчилари ва жамоатчиликни инновацион янги маҳсулотлар ва инструментлар, янги ташаббуслар ва бозор тенденциялари тўғрисида ЎзРВБнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг хабардор қилишга қаратди.

Бу орқали фойдаланувчилар долзарб ва ишончли маълумотларга, пухта ўйланган инвестиция қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳисобот йилида ЎзРВБнинг PR фаолияти мақсадли аудитория учун муҳим мавзуларга қаратилди. Бунда, бозорнинг профессионал иштирокчилари учун брифинглар ва конференциялар ташкил этилиб, уларда капитал бозоридаги асосий ўзгаришлар, хусусан, ЎзРВБга “Тошкент” РФБ аъзоларини қабул қилишнинг янги соддалаштирилган тартиби, “Миллий клиринг маркази” АЖнинг ташкил этилиши ва унинг вазифалари, ЎзРВБ бозорларидаги янгиликлар ва биржа инфратузилмасини янада ривожлантириш каби масалалар батафсил ёритилди. Ушбу тадбирлар инвесторлар ва биржа бозори иштирокчиларига савдоларда самарали иштирок этиш ва ўз стратегияларини такомиллаштириш учун фойдали маълумотларни тақдим этди.

Кенг қамровли аудитория учун бир қатор таълим тадбирлари ўтказилди. Global Money Week доирасида UZCE Quiz онлайн викторинаси ташкил этилган бўлиб, унда 1800 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Мазкур тадбир иштирокчиларга молия бозори хусусиятларини яхшироқ тушунишга ёрдам берди ва викторина натижаларига кўра ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ЎзРВБнинг ижтимоий тармоқларида мураккаб молиявий атамаларни содда тилда тушунтириш мақсадида “Биржа тилидан тушунарли тилга”, иқтисодий жараёнлар ҳақидаги таҳлилий материалларни ёритувчи “UZCE Topic Talk”, ДҚҚ бозори бўйича экспертлар билан аудио интервьюлардан иборат

“UZCE_ovozli_muloqot”, шунингдек, биржа ходимларининг китоб танлаш бўйича тавсияларини қамраган “UZCE_recommends” каби фойдали рукнлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро биржалар ассоциациясининг йиллик умумий йиғилиши ва Тошкент шаҳрида Россиянинг “CBonds-Congress” компанияси томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон капитал бозори” VI халқаро конференцияси каби халқаро тадбирлардаги ЎзРВБнинг иштироки кенг ёритилди. Ушбу тадбирлар бизнес алоқаларини кенгайтириш, илғор тажрибаларни қўллаш, янги имкониятлар ва тенденциялардан кенга фойдаланиш, тажриба алмашиш учун ўзига хос майдонга айланди.

Шунингдек, ЎзРВБда молия соҳасидаги аёлларнинг касбий ва шахсий ўсиши мақсадида ЎзРВБнинг Аёллар клуби йиғилишлари, Бош директорнинг ёш мутахассислар билан учрашувлари, UZCE Family Day оилавий байрами ва бошқа шу каби корпоратив тадбирлар ҳам ташкил этилди.

ЎзРВБ томонидан тайёрланган медиа-контент мақсадли аудиторияга молия бозоридаги янгиликлардан хабардор бўлишга кўмаклашади. Шу боис, ҳисобот йилида муҳим тадбирлардан фото ва видеорепортажлар, биржа савдоси механизмлари бўйича мутахассислар билан интервьюлар, таҳлилий материаллар, шунингдек, фойдали маълумотлардан иборат қисқа видеолавҳалар (рилслар) мунтазам равишда эълон қилиб борилди.

PR фаолиятига комплекс ёндашув орқали ЎзРВБ бозор иштирокчиларига оқилона молиявий қарорларни қабул қилиш, инвестиция имкониятларини кенгайтириш ва молиявий саводхонлик даражасини оширишга ёрдам беради, барча манфаатдор томонлар учун шаффоф ва очиқ муҳит яратади.

Таълим маркази фаолияти

ЎзРВБ Таълим маркази ЎзРВБ Уставига ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фаолият юритиб келмоқда. 2024 йилда Марказ ЎзРВБнинг Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ биржа ходимлари, савдо иштирокчилари ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ишларни амалга ошириб келди. Ҳар бир ходимнинг малакаси ва кўникмаларини оширишни ташкил этишда эгаллаб турган лавозимининг талаблари, шунингдек, биржанинг стратегик аҳамиятга эга чора-тадбирлари доирасидаги вазифалар ҳам ҳисобга олинди.

Малака ошириш бўйича 2024 йилги режа-жадвалига кўра ЎзРВБ мутахассислари иқтисодиёт, ахборот технологиялари, ҳуқуқшунослик, бренд менежменти, ахборот хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси, фуқаро муҳофазаси, архив иши ва инглиз тили бўйича курсларда ўқитилди.

Жорий этилаётган янги биржа инструментлари билан савдо қилиш савдо иштирокчиларидан тегишли кўникмаларни талаб қилади. Шу боис, 2024 йилда 28 нафар ходим жами 40 га яқин мавзу бўйича онлайн ва масофавий тарзда ташкил этилган ўқув курслари, семинарлар ва форумларда таҳсил олди.

Ҳусусан, ЎзРВБ ходимлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, “NORMA” ҳамда “One-Sec” компаниялари томонидан ташкил этилган давлат харидлари, инвестициялар, валюта операциялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича семинарларда, шунингдек, “Digital Uzbekistan” ва “FINNEXT Asia 2024” форумларида иштирок этди. Шунингдек, ходимлар Адлия вазирлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси платформаларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтдилар.

Таълим маркази томонидан ЎзРВБ ходимларининг маҳаллий ўқув марказларида малакасини ошириш билан бир қаторда, хорижий ўқув дастурларида иштирок этиши ҳам ташкил этилган.

Жумладан, Биржа савдолари бошқармаси масъул ходими Малайзия халқаро ислом университетида (International Islamic University of Malaysia) ислом молияси бўйича амалий ўқув дастурида иштирок этди.

Жисмоний шахсларни биржа савдоларига жалб қилиш - ЎзРВБ ривожланишининг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу янги биржа инструментларини жорий этиш, савдолар ҳажмини ошириш ва аҳоли учун қўшимча даромад манбаларини яратишга ёрдам беради. Таълим маркази ижтимоий тармоқларда тегишли контентни жойлаштириш ва, хусусан, Республика болалар кутубхонасида ёш авлод билан маърифий учрашувларни ташкил этиш орқали аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келади.

Шу билан бирга, ЎзРВБ иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш орқали кадрлар салоҳиятини фаол ривожлантирмоқда. Таълим маркази мунтазам равишда

Тошкент шаҳридаги етакчи олий ўқув юртларидаги меҳнат ярмаркаларида қатнашиб, ходимлар резервини шакллантиришга ўз хиссасини қўшмоқда.

Бундан ташқари, 2024 йил давомида Таълим маркази томонидан маънавий-маърифий тадбирлар, шунингдек, соғлом турмуш тарзини, спорт билан шуғулланишни кенг тарғиб қилиш доирасида ЎзРВБ ходимлари ўртасида шахмат турнири ва футбол машғулотлари ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йилда ЎзРВБ электрон кутубхонасини жиҳозлашга қаратилган тадбирлар доирасида 300 дан ортиқ китоб тўпланди.

Коррупцияга қарши комплаенс

Бугунги кунда, коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб, буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЎзРВБда ушбу соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар босқичма- босқич амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш мақсадида ЎзРВБ ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

ЎзРВБдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва илғор хорижий тажриба асосида, шунингдек ЎзРВБ ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

ЎзРВБ уз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади.

Хусусан, ЎзРВБда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларга мувофиқ, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, қонунчилик, хизмат интизоми, одоб- аҳлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот тадбирлар ўтказилмокда.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш борасида қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, жумладан:

ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати;

ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;

ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;

ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;

ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома;

ЎзРВБда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом;

ЎзРВБ ходимларининг одоб-аҳлоқ ва корпоратив этикаси Кодекси.

ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида коррупцияга қарши комплаенс бўлими ташкил этилган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот, тайёрланган материаллар ва ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотлар доимий равишда янгиланиб, жойлаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиётига мувофиқ ЎзРВБ Уставида келтирилган хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича коррупциявий хавф-хатарлар таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра ЎзРВБ Уставида келтирилган хизмат кўрсатиш йўналишлари (10 та) ва қўшимча вазифа ва функциялар (5 та) “паст” даражада баҳоланди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган тартиб-таомиллар
Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низомга мувофиқ ЎзРВБнинг 57 та ходими томонидан топширилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги йиллик аризалар таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳолатлари аниқланмади. Шунингдек, ЎзРВБ манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида хабарлар ҳисобот даврида келиб тушмади.

Шунингдек, ЎзРВБдаги бўш иш ўринларига номзодлар ишга қабул қилинаётганида 11 та номзод томонидан тақдим этилган маълумотлар ўрганиб чиқилиб, номзодлар текширилганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар шакллантирилиб, тегишли хулосалар берилди ҳамда ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестрига киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш, ўрнатилган талаблар ва механизмларни ЎзРВБда самарали жорий этиш мақсадида ЎзРВБнинг айрим ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ходимларни ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан ўқитиш ва коммуникация тадбирлари

Ҳисобот йилида ЎзРВБ ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилиши бўйича дастур тасдиқланди.

Дастур доирасида ЎзРВБ ходимлари учун ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш мавзусида жами 11 маротаба давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ўтказилди.

Шу билан бирга, ЎзРВБ ходимлари 2024 йил 20 май куни “Zoom” платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти ходимлари иштирокида Марказий банкнинг 2024 йил 3 майдаги 735-сонли фармойиши ижросини таъминлаш доирасида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидаларига оид тартиб-қоидалар юзасидан ташкил этилган ўқув-семинарда қатнашди.

Мазкур тадбирлар бўйича мажлис баённлари ЎзРВБнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарори ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Адлия вазирлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда тайёрланган услубий қўлланма, услубий тавсиялар ва иллюстратив тарқатма материаллар билан ходимлар таништирилди.

Шунингдек, юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш” мавзусида ЎзРВБ ходимлари махсус электрон платформа орқали 10 соатлик масофавий ўқув курсида ўқитилиб, курс якунлари юзасидан мавзуга оид тестларда ижобий натижаларга эришиб, уларга электрон махсус сертификатлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан “Манфаатлар тўқнашувига оид” ишлаб чиқилган онлайн тест синовлари бўйича ЎзРВБ ходимлари test.adliya.uz сайти орқали тест топширишди.

Шунингдек, ЎзРВБ Бош директорининг ходимлар ва кенг жамоатчилик учун коррупцияга қарши курашишга оид мурожаати ЎзРВБ расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

Кадрлар сиёсати

ЎзРВБ самарали фаолиятининг муҳим омили бўлиб ходимларнинг ҳар томонлама салоҳиятини кашф этиш, уларнинг доимий касбий ривожланиши, шунингдек, ташкилотга тажрибали ва ёш мутахассисларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган кадрлар сиёсати ҳисобланади.

ЎзРВБ кадрлар сиёсати қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

ходимларни танлаш ва рағбатлантириш, юқори малакали мутахассисларни сақлаш;

ходимларни касбий ўқитиш ва ривожлантириш;

ходимларнинг салоҳиятини кашф этиш, юқори натижаларга эришиш ва ташкилотнинг стратегик мақсадларини амалга оширишга кўмаклашувчи корпоратив маданиятни такомиллаштириш.

Ходимларни самарали бошқаришнинг асосий устувор йўналишлари бўлиб касбий ва шахсий фазилатлар бўйича кадрларни танлаш ва жойлаштириш, билим ва тажриба узлуксизлиги, маълум бир лавозимга тайинлаш учун ходимлар салоҳиятини аниқлаш, уларнинг содиқлигини ошириш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳисобланади.

ЎзРВБда олиб борилаётган кадрлар сиёсати доирасида 2024 йилда қуйидаги ишлар давом эттирилди:

ЎзРВБ фаолиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда ходимларни рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

ЎзРВБ кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш, одоб-ахлоқ ва корпоратив этика кодексини жорий этиш;

кадрлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

асосий ходимлар малакасини, шу жумладан корпоратив бошқарув соҳасида мунтазам равишда ошириб бориш;

биржа савдоларини ривожлантириш соҳасида етакчи хорижий биржалар ва молия ташкилотлари билан тажриба алмашиш.

Шунингдек, ташкилот асосий ходимларининг, шу жумладан корпоратив бошқарув соҳасида малакасини оширишга, кадрларни тайёрлаш ва узлуксизлиги тизимини такомиллаштиришга, истиқболли ёш мутахассисларни ўқитишга, уларнинг салоҳиятини ЎзРВБ олдига қўйилган вазифаларни бажаришда қўлланишига катта эътибор қаратилмоқда.

ЎзРВБ кадрлар сиёсати ходимларни танлаш ва қабул қилиш тизими, уларни рағбатлантириш ва баҳолаш дастури, ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш, шунингдек, адолатли иш ҳақи тизимини яратишни ўз ичига олган стандартларни

жорий этиш орқали профессионал ходимлардан иборат ягона кросс-функционал жамоани шакллантиришга қаратилган.

Кадрлар сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

ишга номзодларни қабул қилишда тенг имкониятларни тақдим этиш, ходимларни танлаш, ёллаш ва уларни ротация қилишда холисликни таъминлаш;

кадрлар танлашнинг кўп босқичли тизимини жорий этиш орқали кадрлар таркиби сифатини ошириш, кадрларнинг ўқиш, малака ошириш ва бошқа йўналишларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш;

ходимлар учун уларнинг малакаси ва рақобатбардошлигини оширадиган ривожланиш ва малака ошириш, доимий ўқитиш имкониятларини, шу жумладан мослашувчан бандлик ва таътил тизимини, муносиб иш ҳақини таъминлаш;

ташкилотнинг ривожланишига қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг илғор хорижий тажриба асосида ходимларнинг адолатли иш ҳақи ва самарали мотивация тизимини тадбиқ этиш.

Кадрлар сиёсатининг мақсадлари

ЎзРВБ кадрлар сиёсатининг асосий мақсади бўлиб қулай меҳнат шароитларини яратиш асосида ташкилотнинг жорий ва стратегик вазифаларини амалга оширишда ходимларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини таъминлаш, ходимлар манфаатлари ва эҳтиёжларига мувозанатли ёндашувни амалга ошириш ҳисобланади.

Кадрлар сиёсатининг иқтисодий мақсадига мувофиқ, бир томондан кадрлар салоҳиятини ривожлантириш учун харажатлар нисбатларини оптималлаштиришга ва ташкилотни ривожлантиришга ҳамда бошқа томондан максимал фойда олишга қаратилган қарорлар қабул қилинади.

Шу билан бирга, ҳар бир ходимнинг ижтимоий қадриятлари ва фаровонлигига эътибор қаратиш ЎзРВБда олиб борилаётган **кадрлар сиёсатининг ижтимоий мақсади** ҳисобланади.

Ижтимоий мақсадга эришиш учун ЎзРВБда иш ҳажмига мутаносиб адолатли иш ҳақи тизимини яратиш бўйича, меҳнатга ҳақ тўлашнинг оқилона тизими доирасида рағбатлантириш ва чекловлар, вазифалар, мажбуриятлар ва кўрсаткичларни, шунингдек меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Кадрлар статистикаси

2024 йили бошига ЎзРВБ ходимлари сони 62 киши, ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига эса 59 кишини ташкил этди.

ЎзРВБ ходимларининг умумий сонидан 19 киши - раҳбар ходимлар, 14 киши - мутахассислар, 22 киши - операцион ходимлар, 1 киши - техник ва 3 киши - хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳисобланади.

Гендер таркиб

2024 йил якунига кўра ҳодимлар умумий сонидан аёллар – 18 кишини (30.5 фоиз), эркаклар – 41 кишини (69.5 фоиз) ташкил этди.

Ходимлар маълумоти

Ҳисобот даври якунига кўра 59 ходимдан 53таси олий маълумотли, 6та ходим – ўрта махсус маълумотга эга деб топилди.

ЎзРВБ ходимларининг ёш бўйича таркиби:

30 ёшгача - 14 киши;

31 ёшдан 39 ёшгача - 18 киши;

40 ёшдан 49 ёшгача - 17 киши;

50 ёшдан 59 ёшгача - 6 киши;

60 ёш ва ундан катта - 4 киши.

ЎзРВБда турли ёшдаги ходимларнинг мавжудлиги ишга қабул қилинган янги ходимларга тажрибали мутахассислардан мураббийлар тайинлаш учун имкон яратди.

Кадрлар сиёсати доирасида ЎзРВБ жамоага иқтидорли ва малакали ходимларни жалб этиш юзасидан фаол иш олиб бормоқда. Янги ходимларни жамоада ва иш жойида тезкор мослашишга кўмаклашиш мақсадида биржада “welcome” тренингларини ўтказиш амалиёти жорий этилган бўлиб, улар янги ходимларни компанияда фаолиятни муваффақиятли бошлаши учун барча зарур билим, воситалар ва ресурслар билан таъминлашга мўлжалланган.

Бундан ташқари, 2024 йил давомида ЎзРВБ талабалар ва ёш мутахассисларга касб танлаш, амалиёт ўташ, шунингдек, турли соҳа вакилларидан маслаҳатлар олишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллий олий ўқув юртларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида мунтазам иштирок этиб келди.

2024 йил давомида ходимлардан 14 киши, шу жумладан 4 аёл ЎзРВБни тарк этган бўлса, штатга 11 нафар мутахассис, шу жумладан 3 нафар аёл қабул қилинди.

Ўтган йили жами 32 нафар ходим, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 4 нафар ходим, шундан 13 нафар раҳбар ва 19 нафар мутахассис ўз малакасини оширди. Малака оширган ходимларнинг 11 нафари хотин-қизлар (4 нафар раҳбар ва 7 нафар мутахассис).

Ходимларни танлаш тартиби

Ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари ЎзРВБ кадрлар сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, уларнинг устувор йўналишлари

этиб қуйидагиларни белгилаш мумкин: касбий сифатлари бўйича зарур кадрларни излаш ва жалб этиш, ходимларнинг иш ҳажми ва масъулиятига мос келадиган имкониятларини аниқлаш (муайян лавозим учун зарур билимлар даражаси, иш тажрибаси, раҳбарлик қобилияти ва бошқалар).

Ижтимоий ҳимоя

ЎзРВБ ходимларига кафолатлар ва компенсациялар, шунингдек қўшимча имтиёзлар, хизматлар ва ижтимоий тусдаги тўловлар бериш мақсадида “ЎзРВБ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида”ги, “ЎзРВБнинг ижтимоий мақсадли тўловлари тўғрисида”ги Низомларга, шунингдек Жамоа шартномасига мувофиқ ЎзРВБ қуйидаги тўлов турларини амалга оширади:

- байрамларга қўшимча тўловлар;
- муҳим саналар учун (юбилей, пенсияга чиқиш муносабати билан) тўловлар;
- яқин қариндошларини йўқотганлик муносабати билан ижтимоий тўловлар;
- меҳнат таътилига чиқиш муносабати билан қўшимча тўловлар;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун моддий ёрдам;
- дори-дармонлар ва тиббий хизматлар учун тўловлар.

Бундан ташқари, ЎзРВБда аёл ходималарининг касбий ва шахсий ривожланишига қаратилган ташаббуслар фаол қўллаб-қувватланиб, уларнинг ўсиши учун қулай шароитлар яратиб келинмоқда.

Ҳисобот йилида ЎзРВБда ташкилотда фаолият юритаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг билим ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган янги ташаббус - “Аёллар клуби” ташкил этилди. Клубнинг асосий мақсадлари этиб аёллар ўртасида тажриба алмашиш, лидерлик хусусиятларини янада ривожлантириш учун қулай майдон яратиш белгиланди.

Аёллар клуби доирасидаги учрашувларда самарали мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, ишбилармонлик муносабатларини самарали йўлга қўйиш, ҳамкорлар ва ҳамкасбларда ижобий таассурот қолдириш, шунингдек, корпоратив муносабатларда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш муҳимлиги ҳақида фикр алмашиб келинди.

Шунингдек, учрашувларга таклиф этилган соҳа мутахассислари томонидан ЎзРВБ аёлларининг мулоқот кўникмаларини такомиллаштириш, омма олдида сўзлаш маҳоратини ошириш, дадил нутқ сўзлаш ва аудитория билан самарали мулоқот қилишнинг асосий жиҳатлари, нутқнинг таъсирини оширишга кўмаклашувчи эстетик ва динамик тақдимотларни яратиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар бериб борилди.

Корпоратив бошқарув

ЎзРВБ ўз фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида амалга оширади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор) бошқарув органлари ҳисобланади.

«ЎзРВБ» АЖнинг ташкилий тузилмаси



Акциядорлар умумий йиғилиши

Акциядорлар ҳақида маълумот:

Акциядор номи	Устав фондидаги улуши, фоизда	Акциялар сони, (дона)
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	50,13	536 200
“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ	11,13	119 000
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	11,13	119 000
“Агробанк” АТБ	8,90	95 200
“Ипак йўли” АИТБ	8,90	95 200
ХАТБ “Ориент Финанс Банк”	5,76	61 600
АТ “Халқ банки”	4,05	43 400

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ЎзРВБнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши) ҳар йили 10 июндан 30 июнгача, молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркибини сайлаш, шунингдек ЎзРВБ йиллик ҳисоботи, ЎзРВБ Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг ЎзРВБ Ривожланиш стратегияси мақсадларига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

2024 йил давомида ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ва навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2023 йил якунлари бўйича йиллик йиғилиши 2024 йил 26 июнь куни ҳамда навбатдан ташқари йиғилиши 2024 йил 19 ноябрь куни бўлиб ўтди.

Йиғилишларда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоботлар, ташкилий ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан:

- ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди;

- ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркиби тасдиқланди;

-“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегияси мақсадларига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботи эшитилди ва тасдиқланди;

- “ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегараси ЎзРВБнинг 2023 йил учун олинган соф фойдасининг 1 фоизи миқдорида белгиланди;

- “CITY CAPITAL” МЧЖ томонидан ЎзРВБда ўтказилган 2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси кўриб чиқилди;

ЎзРВБ Ижроия органининг 2023 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқланди;

ЎзРВБнинг 2023 йил якунларига кўра соф фойдаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрда ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига мувофиқ 2028 йил 31 декабрга қадар ЎзРВБ маблағларни мақсадли равишда уни ривожлантиришга йўналтирган ҳолда, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилиниши белгиланганлиги сабабли ЎзРВБни ривожлантиришга йўналтириш мақсадида ЎзРВБ тасарруфи (ихтиёри)да қолдирилди;

- ЎзРВБнинг 2024 – 2028 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси тасдиқланди;

- ЎзРВБнинг 2024 йил учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлик фаолияти стандартлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди;

- ЎзРВБ Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилди;

- ЎзРВБ Кузатув кенгашига янги номзод сайланди;

- “ЎзРВБ” АЖ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди;

- “ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “ЎзРВБ” АЖ Ижроия органи тўғрисида”ги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқланди.

Кузатув кенгаши

ЎзРВБ акциядорлари вакилларидан иборат Кузатув кенгаши “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ЎзРВБ фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши таркиби:

№	Ф.И.О.	Лавозими
1.	Олимов Аброр Мирзо Муҳаммадқосимович	Кузатув кенгаши раиси
2.	Адилов Алимардон Абдуразакович	Кузатув кенгаши аъзоси
3.	Рузиев Фаррух Аралович	Кузатув кенгаши аъзоси
4.	Якубов Шухрат Исраилович	Кузатув кенгаши аъзоси
5.	Кахоров Эркин Азизжонович	Кузатув кенгаши аъзоси
6.	Миртурсунов Даврон Шавкатович	Кузатув кенгаши аъзоси
7.	Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович	Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар ҳам киритилиши мумкин.

Кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатув кенгашига сайланган аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Кузатув кенгаши аъзолари қонунчиликда ва ЎзРВБ уставида белгиланган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркиби етти кишини ташкил этади.

Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши томонидан акциядорлик жамиятини бошқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажариш, шу жумладан ЎзРВБни ривожлантириш стратегияси доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Кузатув кенгаши фаолияти ЎзРВБ фаолиятини ривожлантиришга, ички ҳужжатларни такомиллаштиришга, шунингдек, ЎзРВБ Ижроия органининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишга қаратилди.

Ҳисобот йилида ЎзРВБ Кузатув Кенгашининг 27 та йиғилиши ўтказилган бўлиб, кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу жумладан:

1. Савдо қатнашчиларидан келиб тушган таклифларга асосан, фьючерс бозорини ривожлантириш, инструментлар қаторини янада кенгайтириш мақсадида экспирация муддати 6 ой ва 1 йиллик бўлган янги валютавий фьючерс шартномалар савдоси жорий этилиб, “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда валютавий фьючерс контрактлари операцияларини ўтказиш қоидалари” ҳамда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда клиринг ҳамда ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидалари”га тегишли таклиф ва ўзгартиришлар киритилди.

2. ЎзРВБ савдо платформасида валютавий своп операциялари жозибадорлигини янада ошириш, ушбу операцияларни ўтказиш жараёнида иштирокчиларга қулайликлар яратиш ва савдолар ҳажмини янада ошириш мақсадида савдо иштирокчиларидан олинадиган воситачилик мукофоти миқдорини вақтинча ундирмаслик қарори қабул қилинди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2023 йил 14 декабрда 41/1-сонли қарорига мувофиқ ЎзРВБнинг айрим ички меъёрий ҳужжатларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- банклараро пул ва РЕПО бозорларининг банк тўлов куни ёпилганидан сўнг 30 дақиқа давомида очиқ бўлишини таъминлаш ҳамда Марказий банкнинг пул-кредит операцияларидан банк тўлов куни ёпилганидан сўнг 1 соат давомида фойдаланиш имкониятини яратиш;

- тижорат банкларига ликвидлик тақдим этишга мўлжалланган кун давомидаги кредит инструменти ҳамда валюта гарови асосидаги овернайт ва 1 ҳафтагача бўлган кредит аукционларини жорий этиш;

- Марказий банкнинг ликвидлик тақдим этиш бўйича операцияларида гаров мулкини 5 фоизлик чегирма билан қабул қилишни йўлга қўйиш;

- биржа бозорида янги инструмент (валюта гарови асосидаги кредит аукционлари) киритилаётганлиги сабабли, мазкур инструмент бўйича воситачилик

мукофоти миқдорини “Ўзбекистон республика валюта биржасида воситачилик мукофоти (йиғимлар)ни ундириш тартиби”да белгилаш;

- Марказий банкнинг пул бозоридаги операцияларини амалга ошириш тартибига мувофиқ ЎзРВБнинг савдо платформалари ва ҳисоб-китоб клиринг тизимини мослаштириш;

- Марказий банк пул-кредит сиёсатининг операцион механизмида келтирилган турли кўринишдаги ДҚҚ билан РЕПО, валюта гарови асосидаги кредит ва валютавий СВОП инструментларининг шартларига ЎзРВБнинг савдо платформалари ҳамда ҳисоб-клиринг ва депозитарий тизимларини мослаштириш.

4. Биржа савдолари инструментлари қаторини кенгайтириш мақсадида “ЎзРВБ электрон савдо платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан валюта гарови асосида кредит аукционларини ўтказиш қоидалари” тасдиқланди.

5. Марказий банк Бошқарувининг 2023 йил 14 декабрда 41/1-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банкнинг пул бозоридаги операцияларини амалга ошириш тартиби”га кўра тижорат банклари томонидан овернайт РЕПО битимларини тузиш учун буюртманома киритилганда уларнинг ЎзРВБдаги депо ҳисобварағида тегишли ДҚҚни автоматик равишда блоклаш ва тижорат банкларининг блокланган қимматли қоғозлари бўйича маълумот Марказий банк платформасида автоматик тарзда акс эттирилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

6. ЎзРВБ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларни самарали меҳнат қилишга рағбатлантириш ҳамда ЎзРВБ жамоасига соҳанинг рақобатбардош ходимларини жалб қилиш, шунингдек, ЎзРВБ ходимларининг ташаббускорлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржаси ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида”ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

7. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексининг X-қисми “Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторинги”га асосан ташкилотдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун ЎзРВБга мулкий муносабат орқали боғлиқ бўлмаган ихтисослашган ташкилот билан тегишли шартнома асосида баҳолаш ишлари амалга оширилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 26 мартдаги 02/09-6-17/935-сонли хатига мувофиқ танқидий кўриб чиқилган ЎзРВБнинг молиявий фаолиятининг 2023 йил якуни бўйича таҳлили маълумот учун қабул қилинди.

9. ЎзРВБнинг муддатли бозорини ривожлантириш ҳамда муддатли бозоридаги инструментларга бўлган талабни ошириш юзасидан бозор иштирокчиларидан келиб тушаётган таклифларга кўра, фьючерс инструментлари қаторини янада кенгайтириш мақсадида, экспирация муддатлари билан боғлиқ инструментларга қўшимча равишда базавий активи Марказий банк томонидан ўрнатилган АҚШ долларининг сўмга нисбатан расмий курси бўйича ҳисобланувчи фьючерс битимларининг янги инструментини жорий этиш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда валютавий фьючерс шартномаси билан операцияларни амалга ошириш бўйича биржа савдолари қоидалари” ҳамда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ валюта бозорида клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш қоидалари”га тегишли ўзгартиришлар киритилди.

10. ЎзРВБ Ижроия органининг 2024 йил биринчи чоракда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи тасдиқланди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрда ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ хорижий инвесторларга (тан олинган чет эл банклари, шу жумладан кастодиан банкларга), чет эллик инвестицион воситачиларга ДҚҚ бозорида дилер фаолиятини олиб бориш имкониятини яратиш ҳамда ЎзРВБ томонидан уларга ўз депозитар тизимида депозитар хизматларни кўрсатиш ва ДҚҚ бўйича депо ҳисобварақларини юритиш учун шароит яратиш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва депозитар ҳисобини юритиш регламенти”га ҳамда “Ўзбекистон республика валюта биржасида давлат қимматли қоғозлари савдоларини ўтказиш қоидалари”га тегишли ўзгартиришлар киритилди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрда ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва хорижий инвесторлар учун ДҚҚ бозорида дилерлик фаолиятини олиб бориш имкониятини яратиш доирасида “Bank of Georgia” акциядорлик жамияти ДҚҚ билан операцияларни амалга ошириш ва савдоларда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолигига қабул қилинди.

13. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан сўнг олти ойдан кечиктирмай ўтказилишини инобатга олиб, Қонуннинг 64-моддасига мувофиқ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ–201-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жадидлар мероси давлат музейининг биносини мукаммал таъмирлаш, жиҳозлаш ва ҳудудини

ободонлаштириш, музей экспозициясини яратиш учун ЎзРВБ ҳисобидан 5 млрд. сўм миқдордаги пул маблағлари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилишига ҳамда ЎзРВБнинг 2024 йил учун бизнес-режасидаги давр харажатларининг хайрия (ҳомийлик) ва холис кўмак қисмига тегишли ўзгартиришлар киритилишига розилик берилди.

15. Кузатув кенгашига бўйсунадиган корпоратив котибиятни ташкил этиш юзасидан ЎзРВБнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритишга розилик берилди ҳамда янги ташкилий тузилма лойиҳаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун киритилди.

16. Корпоратив бошқарувнинг янгиланган қоидалари ва ахлоқ кодексини жорий этиш масаласи акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилди ҳамда ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланди ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

17. Ҳисобот йили 26 июн куни бўлиб ўтган ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилишида “ЎзРВБнинг 2024-2028 йилларга мўлжалланган Ривожлантириш стратегияси”га мувофиқ ЎзРВБ фаолиятини янада ривожлантириш, биржа инструментлари турларини кенгайтириш ва биржа бозорларида, хусусан, валюта, пул ва муддатли бозорларда, шунингдек, ДҚҚ бозорида ликвидлик ва жозибадорликни янада ошириш мақсадида “ЎзРВБ биржа бозорларини яқин истиқболда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.

18. ДҚҚ бозорини ривожлантириш, биржа инструментлар қаторини янада кенгайтириш доирасида тизим доирасида ва тизимдан ташқари РЕПО битимларининг муддатларини ўзгартириш, савдо иштирокчилари учун валюта инструментлари билан Т+0 ҳисоб-китоб режимида бир вақтнинг ўзида қўшимча тарзда савдо стратегияларини амалга ошириши учун Россия рублининг сўмга нисбатан олди-сотди савдоларини ташкиллаштириш ва ушбу операцияларда юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш механизмларини жорий қилиш мақсадида “Ўзбекистон республика валюта биржасида давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини амалга ошириш ва ижро этиш қоидалари” ҳамда ““Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг валюта бозорида клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш қоидалари”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сонли “Капитал бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг 2024 йил 26 июндаги 87-сон баёни билан тасдиқланган “ЎзРВБнинг 2024 – 2028-йилларга мўлжалланган Ривожлантириш стратегияси”га асосан хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун ДҚҚ бозорида савдо қилиш тартибини соддалаштириш, жумладан, биржа бозорларида воситачилик мукофотини оптималлаштириш

(пасайтириш) орқали битимлар ҳажми ва кўламини ошириш, бозор ликвидлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган мослашувчан тариф сиёсатини юритиш мақсадида “ЎзРВБда воситачилик мукофоти (йиғимлар) ундириш тартиби”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

20. Капитал бозорини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш, инвесторларни капитал бозорига жалб этишни рағбатлантириш, хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон фонд бозорида қатнашиш тартибини соддалаштириш ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрда ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ДҚҚ билан савдоларни амалга ошириш учун янги ҳисоб-китоблар (клиринг) моделини жорий этиш, хусусан, иккиламчи бозорда ДҚҚ билан савдолар натижалари бўйича ҳисоб-китобларни «Т+2» шаклида ҳам амалга оширишга доир “Ўзбекистон республика валюта биржасида давлат қимматли қоғозлари савдоларини ўтказиш қоидалари”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

21. ЎзРВБ Ижроия органининг 2024 йил биринчи ярим йил учун бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи тасдиқланди.

22. ЎзРВБ Ижроия органи раҳбари (Бош директори) Р.Р. Усманов билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати узайтирилди.

23. ЎзРВБнинг “Biznes-Daily-Media” ноширлик уйи МЧЖ устав капиталидаги улуши (5,71 фоиз) унинг номинал (баланс) қийматини қоплаб бериш (бунда, сотиш қиймати улушнинг қолдиқ (баланс) қийматидан паст бўлганда, баҳолаш ва сотиш ҳаражатлари чегирилган ҳолда сотиш қийматининг тегишли қисми йўналтирилади) шарти билан Давактив агентлигига ўтказилишига розилик берилди.

24. ЎзРВБ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлиқларини тиклашга қаратилган тиббий суғурталашни ташкил этиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини ташкил этиш орқали ЎзРВБнинг маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни амалга оширишга розилик берилди:

- ходимларни дастлабки (меҳнат шартномасини тузаётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) тиббий кўрик (check-up)дан ўтказиш;

- тиббий хизматларни олиш учун ходимларни тиббий суғурта қилиш;

25. ЎзРВБ маъмурий биносининг бир қисмини “Миллий клиринг маркази” АЖга ижарага бериш бўйича шартномани маъқуллаш масаласи юзасидан қарорлар қабул қилинди.

26. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг раиси бошқа ишга ўтганлиги сабабли ЎзРВБ Кузатув кенгашига янги раис сайланди.

27. ““Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг биржа бозорларида маркет-мейкерлик хизматларини кўрсатиш тартиби”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

28. ЎзРВБ Ижроия органининг 2024 йил тўққиз ой якунлари бўйича ҳисоботи ва ЎзРВБнинг 2025 йил учун бизнес-режаси тасдиқланди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ЎзРВБ Ижроия органи томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тамоилига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширди.

Шу билан бирга, акциядорларга Ижроия органининг чораклик ҳисоботлари, молиявий ҳисоботлар, Кузатув кенгаши мажлислари қарорларидан кўчирмалар ва бошқа маълумотлар мунтазам равишда тақдим этиб келинди. Мазкур ҳисоботлар ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш ва ЎзРВБнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ муҳим фактлар мунтазам равишда корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилди.

ЎзРВБнинг сифат менежменти тизими

Самарали операцион фаолиятни таъминлаш ва бизнес жараёнларини оптималлаштириш мақсадида ЎзРВБда ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий этилган.

2020 йилда “CERT International” бошқарув тизимларини сертификатлаштириш органи (Ўзбекистон) ва “CERT International” s.r.o. халқаро сертификатлаштириш органи (Словакия) томонидан ўтказилган сертификатлаштириш аудити якунлари бўйича ЎзРВБ сифат менежменти тизимининг халқаро ISO 9001:2015 ва Миллий O’zDST ISO 9001:2015 стандартлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида сертификатлар олинди.

2024 йилда “CERT International” томонидан ўтказилган навбатдаги кузатув аудити якунлари кўра ЎзРВБ сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2015 халқаро стандарти талабларига мувофиқлиги тасдиқланди.

Баҳолашни ўтказган “CERT International” (SNAS) МЧЖ аудиторлари ЎзРВБда сифат менежменти тизими тўлиқ самарали эканлигини ва уни зарур ҳолатда сақлаб туриш ва янада ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганлигини таъкидладилар.

Ижроия органи

ЎзРВБнинг жорий фаолиятига раҳбарликни “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг Ижроия органи тўғрисидаги Низом”га мувофиқ фаолият кўрсатувчи ягона Ижроия органи - Бош директор амалга оширади.

ЎзРВБ Бош директори Кузатув кенгаши қарори билан тайинланади. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Бош директор ваколатлари, хусусан, қуйидагилардан иборат:

акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

штатларни тасдиқлаш, ЎзРВБнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар чиқариш;

ўз ваколатлари доирасида ЎзРВБ ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш;

ЎзРВБ аъзоларига биржа савдоларида қатнашиш ҳуқуқини бериш ва савдолардан вақтинча четлаштириш, биржа савдоларида қатнашаётган ходимларининг (трейдерларнинг) касбий малакасини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

ЎзРВБнинг бизнес хатарларини ва Ижроия органининг жавобгарлигини суғурталаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатларига кирган масалалардан мустасно равишда, ЎзРВБнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир бошқа масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш.

Шунингдек, Ижроия органи Кузатув кенгашига ЎзРВБ аъзоларини ўз таркибидан чиқариш масалаларини киритади ҳамда биржа савдоларида қатнашаётган ЎзРВБ аъзолари трейдерларининг касбий малакасини текширади.